



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 27-dekabr • №52 (4243)

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

Дарҳақиқат, томчида қуёш акс этади...

Мустақил Ўзбекистонимизда рўй бераётган азим ўзгаришларни кўрмоқчи, бунга ўз кўзингиз, ақлингиз ва иймонингиз билан гувоҳ бўлмоқчи бўлсангиз, кундан кун чирой очиб бораётган гуллар макони — Наманганга бир келинг!

Яхшиси, ҳаммасини бир бошдан, битта-битталаб айтай: чинакам замонавий шаҳар-созлик маҳобатини ҳис қилмоққа қарор қилдингизми, Наманган шаҳрига отландинг!

Обод қишлоқнинг қандай эканини кўрмоқчи, шу билан бирга, бу янги қишлоқларда яшаётган бахтиёр юртдошларимиз кайфиятини билмоқчи бўлсангиз,

Шулар ҳақида икки оғиз илиқ сўзини ёзиб келай, деб Наманганга йўл олдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъули, таниқли шоир

Ватан обод — кўнгал обод

Жамолiddин Муслим, "Ватан-парвар" ташкилоти раҳбари, ўзининг халқона шеърлари билан танилган шоир

Зокиржон Бойхонов бутун сафар давомида бирга бўлишди.

Биринчи фасл

Ўша кун икки нафақат Наманганда, балки бутун республикамизга доғруғи кетган чиннисоз, "Шўхрат" медалли совриндори Неъматжон Солиевнинг устахонасига, шаҳарнинг "Истиқлол" кўчаси, 28-уйга ташриф буюрдик. Қарангки, ишхонасида уйи, уйда ишхонаси бор экан! Чиннисоз уста бизни илиқ кутиб олиб, тўғри етмиш хилдан ортиқ маҳсулотларидан намуналар тизиб қўйилган хонага бошлади. У ерда устанинг бутун фаолияти тарихи — ҳам ўзи ва ўғиллари ясаган сопол, чинни идишлари сувенирларда, ҳам фотосуратлар коллекциясида, ҳам у ҳақдаги деворларда осилган қатор-қатор диплом, ҳужжат ва панноларда, ҳам чиннисознинг ўз оғзи билан айтиб берган қизиқарли ҳикоясида мўжассам эди. Неъматжон уста ишхонасида расмий равишда бизни билан бирга пахта гули чиздим, сополга ўйма нақш солдим ва паст босимли газхона шароитида ишлайдиган чинни пишириш печини яратиб, давлат патентини олдим, ўз ишмини Бўхоро, Самарқанд, Қарши шаҳарларида қуриб, чиннисозликнинг юртимиз микёсида кенг тарқалишига ҳисса қўшдим, маҳсулотларимиз кўшни республикаларга, Россияга бориб етди, дея фахрланади. Яна чиннисоз уста иши кенгайган вақтларда 150 га яқин одамни иш билан таъминлаганидан севиниб гапирди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Кишлоқ ҳўжалиги дейсизми, ишлаб чиқаришми ёки таълим, соғлиқ ва спорт соҳалари дейсизми, буларнинг ҳаммасининг янгилашган, замонавий ҳолати билан танишмоқчи бўлсангиз, ҳаялламаздан Наманганга йўл олинг!

Янгилашган бозорлардаги тўкинликни, сабзавот ва мевалар хилма-хиллиги соғувчиларнинг қўли қўлига тегмай савдо қилишига гувоҳ бўлай десангиз, тагин Наманганга равона бўлинг!

Агар ҳаммасини кўриб, айланиб чиққан бўлсангиз, ширин сувли кўчойдан ҳўллаган қўйи кўрган-кечирганларингизни бир мушоҳада тарозисидида тортиб, кўнглингиз губоридан ҳам фориг бўлинг!..

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Миллат маънавий қиёфасини, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва обрў-этиборини белгилаб берувчи асосий омиллар ҳақида сўз борганда, аввало, маданият, санъат, спорт соҳаларига эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бу йўналишларда қўлга киритилган ютуқларни кенг тарғиб қилиш ва омалаштириш, айниқса, ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди. Хусусан, мамлакатимизда маданият, санъат, бадиий ижод, журналистика ва спорт соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол истеъдод намояндаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлан-

тиришга катта эътибор берилмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазириликнинг ҳамда яна бир

"Эътироф — 2013"

қанча ташкилотлар ҳамкорлигида таъсис этилган "Эътироф" мукофоти ҳам фикримиз далилидир. Яқинда "Истиқлол" саройида "Эътироф" мукофотининг илк совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалбиди миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини

шакллантиришга хизмат қиладиган ижод намуналари муаллифлари, спортчи ва мураббийларга мукофотлар топширилди. "Мумтоз қўшиқ, миллий эстрада ва опера санъати", "Миллий ва замонавий рақс ҳамда балет", "Аънавий ва академик чолғучилик", "Расомлик ва дизайн", "Кино, театр ва оммавий томошалар", "Бадиий ижод, журналистика ва телевидение", "Спорт ва жисмоний тарбия" каби йўналишларда йигирмадан ортиқ истеъдодли ижодкорлар мукофотланди.



"ОЗОД ТУРМУШ — ОБОД ТУРМУШ"

Юртимиздаги ҳар бир хонадон, шаҳару қишлоқларимизнинг обод бўлишига, халқимиз турмуш фаровонлигига мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Доимий ҳамроҳ

"Обод турмуш йили"да амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан ёзувчи ва шоирлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларга сафар қилиб, "Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида амалга оширилган кенг миқёсдаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари, юртдошларимизнинг турмуш тарзи, орзу ва интилишларига гувоҳ бўлдилар. Ана шу ижодий сафарларнинг таассуротлари асосида очерклар ёзилди. Янги йил арафасида ушбу очерклар "Озод турмуш — обод турмуш" номда "Адиб"

нашриётида нашр этилди. Китобдан ўрин олган 14 та очеркнинг ҳар бирини мутлола қилар экансиз, мамлакатимизнинг барча худудлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда

рўй берган оламшумул ўзгаришлар, иқтисодий, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, фермерлик, тадбиркорлик ва бошқа қўллаб-қувватлаш бўлиб бораётган ишларини самараси, турли касб эгаларининг фидокорона меҳнатлари ҳамда юртимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссалари ҳақида бой таассуротга эга бўласиз. Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда мислсиз янгилашлар юз берди. Янги замон руҳига мос ўзгаришлар амалга оширилди. Энг муҳими, одамларнинг дунёқарashi, ҳаётга муносабати ўзгарди.

Ёзувчиларимизнинг юрт бўйлаб

сафар қилишлари, мамлакат ва халқ ҳаётини ўрганишларида яна бир ўзига хос маъно борлигини айтиш ўринли. Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичиди бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир". Зотан, озод ва обод Ватан равнақи йўлида ўзларининг бор истеъдод ва имкониятларини сафарбар этаётган инсонлар, замонавий қаҳрамонлари ана шу халқ орасида. Уларнинг орзу ва мақсадлари, ҳаёт синовларини энгиб ўтишдаги фидойиликларини, нафақат публицистик, балки катта-кичик бадиий асарлар — қиссалар, романлар, достонларда ҳам янада таъсирчан ва терең акс этиши, шубҳасиз!



ларини энгиб ўтишдаги фидойиликларини, нафақат публицистик, балки катта-кичик бадиий асарлар — қиссалар, романлар, достонларда ҳам янада таъсирчан ва терең акс этиши, шубҳасиз!

Ёзувчиларимизнинг юрт бўйлаб

Уйғун РЎЗИЕВ

БАХТИЁР ОНА ВА СОҒЛОМ БОЛА



Мустақиллик майдонига ҳар гал қадам қўйганимда кўнглимни улуғвор бир соқинлик эгаллайди. Бугун ҳам шундай бўлди. Офтоб нурларига бурканган майдондан ўтарканман, гўёки эзгуликнинг барчаси мана шу майдон узра йиғилгандек бўлиб туолди. Нарироқда юртимизга ташриф буюрган бир ғуруҳ чет эллик сайёҳлар. Улар бири қўйиб, иккинчиси атрофни суратга олиш билан банд.

Йўл бошлаб юрган таржимон қиз ҳайратини яширолмай нималарнидир сўраётган чет элликларга соф инглиз тилида ушбу майдоннинг тарихи ҳақида сўзлаб бермоқда.

— Ҳар доим менга сайёҳларни Мустақиллик майдонига бошлаб келиш топширилганида хурсанд бўлиб кетаман, — дейди у. — Чунки ҳар сафар шахримизга келган меҳмонлардан бу ер ҳақида илиқ гапларни эшитаман ва кўнглим фахр-ифтихорга тўлади. Улар дунёнинг ҳеч қаерида бундай яхлит композицияни, соқин, файзли жойни учратмаганини айтишганида Ватанимга бўлган меҳру муҳаббатим янада ошади.

Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ ўзгача қиёфа касб этган Мустақиллик майдони том маънода нафақат пойтахтимизнинг, балки Ватанимизнинг юрагига, осойишта ва фаровон ҳаётимизнинг кўзгусига айланган, десак муболага бўлмайди. Унинг марказида ўрнатилган "Мустақиллик монументи"да Ўзбекистон харитасининг бўртма тасвири акс этган. Ушбу монумент пойида 2005 йил 28 декабр кунги фарзандини бағрига босиб турган мунос ўзбек аёли сиймоси — "Бахтиёр она" ҳайкали ўрнатилдики, у миллатнинг эрксеварлик руҳини ифода этади.

Аҳмад Хўжа

ЯНГИ ЙИЛГА

Замон елаётир нур каби шитоб, Ажиб шиддат билан умр оқмоқда. Қалбимда уйғотиб ранго-ранг хитоб, Янги йил келмоқда, Эшик қоқмоқда...

Бугун ўйларим ҳам ғамлардан ҳоли, Кўмиб кетган янглиғ хор-у хасни қор. Йўл бошида турган ўсимир мисоли Янги йилга айтар тилакларим бор.

...Мен кўп бор кўрганман деҳқон заҳматини, Чигит қадаганин такрор ва такрор. Бу йил ҳам яшириб зангор талғатини, Қайдадир тентираб юрмасин баҳор!

Хамирдек кўпчисин бу олтин тупроқ, Ошиқ қалбдай ёнсин замин юраги. Янги йил! Деҳқоним учун ҳам кўпроқ Жонажон қуёшдан зиё сўрагани!

Соз эрур ҳар неки билса ўз ҳаддин, Ўрнини билгандай ҳар битта юлдуз. Ўжар қиш олдида букмасдан қаддин, Ўз тахтида турсин сўнгигача куз...

Замон чархпалаги айланар шитоб, Бир зум ортта боқмай умр оқмоқда. Қалбимда уйғотиб ранго-ранг хитоб, Янги йил келмоқда, Эшик қоқмоқда...

Аҳмад Хўжа

ШЕЪРИЯТ ГУЛДАСТАСИ

"Обод турмуш йили"да барча юртдошларимиз қатори адбларимиз ҳам халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш учун ўзларининг ҳароратли сўзи ва ибратли ижоди билан фаол хизмат қилдилар. Йил давомида юртимизнинг барча гўшаларида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирларда, юртдошларимиз билан ижодий учрашувларда

Ёзувчилар уюшмасида

фаол иштирок этиб, янги китоблар, шеърый туркумлар, бадиий-публицистик мақолалар ижод қилдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган адабий йиғинида уюшма раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ана шу ижод маҳсуллари ва бугунги адабий жараёнда ибратли изланишлар олиб бораётган ижодкорлар фаолияти ҳақида сўзлади. Шунингдек, "Обод турмуш йили"да ёзувчи ва шоирларнинг янги ижодий тўхфалари ҳамда "Соғлом бола йили"да амалга оширилиши зарур бўлган режалар ҳақида фикр юритди.

"Шеърый гулдастаси" деб номланган мажмура адабий тадбир пешқадам ижодкорларимиз сафидида бораётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Абдуазимова, шоирлар Муҳиддин Омон ва Рустам Мусурмон ижодига бағишланди. Шеърый кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, таниқли шоирлар Икром Отамурод, Шарифа Салимова, Мирпўлат Мирзо, Хумоюн Акбар, адабиётшунослар Сайди Умиров, Адхамбек Алимбеков ва бошқалар У.Абдуазимова, М.Омон, Р.Мусурмон ижодининг эътиборли жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир доирасида Умида Абдуазимованинг "Бирини ой десам, бириси қуёш", "Қалбимдаги кадронлар" номли китоблари тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Аҳборот хизмати.

МАФТУНКОР БЕДИЛ

Манбааларда асли келиб чиқиши Шаҳрисабдан эканлиги қайд этилган Мирзо Абдуқодир Бедил (1644—1721) тақдир тақозосига кўра Ҳиндистонда туғилиб, ижод этган бўлса-да, XVIII аср охири — XX аср бошларида Ўрта Осиёда, хусусан, ўзбек халқи орасида фавқулодда машҳур эди.

Асарлари Туркистон мадраса ва мактабларида Хожа Хофиз, Шайх Саъдий, Навоий, Фузулий сингари буюк шоирлар асарлари қаторида ўқитилган, шунингдек, мударрис ва талабалар тарафидан катта қизиқиш билан мутлола қилинган. Хонадонларда ҳам саводхон кишилар Бедил асарлари ўқишган ва бундай йиғинлар "бедилхонлик" деб аталган. Шоир ижоди намуналари маъносини шарҳлай оладиганлар "бедилхон" сифатида таърифланган, асарлари Бўхоро, Шаҳрисабз, Самарқанд, Тошкент каби шаҳарларда яшовчи "бедилнавис" хаттотлар тарафидан кўчирилган.

Бедил ижоди XX асрда олимлар томонидан ҳам ўрганилган. Чунки, Айнид, Фитрат, Миён Бузрук, Е.Бертельс, И.Мўминов, И.Низомиддинов, Ш.Шукров сингари адиб ва шарқшунослар тадқиқотларида ҳаёти ва ижоди атрофида тадқиқ этилган. Асарлари Ш.Шомухамедов, Назармат, М.Абдулҳаким, Э.Очилов сингари таржимонлар томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Дарвоқе, шоир ижоди

бугунги ўзбек китобхони учун ҳам кадрли.

Хўш, Ҳиндистонда туғилиб ўсган, форс тилида ижод қилган Бедил асарлари ўзбек халқи ора-

Таъқиқот, ахборот

сида бу қадар катта қизиқиш уйғотганининг сабаби нимада? Ушбу мақолада мана шу саволга баҳоли қудрат жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Тарихда улкан юксалишларга эришган мусулмон Шарқи XVI—XVII асрларга келиб чуқур таназзулга юз бурди: марказлашган давлатларнинг парчаланиши оқибатида пайдо бўлган майда хонлик ва амирликлар ўртасида мунтазам тожу тахт учун кураш авж олди. Мана шундай вазиятда ривожланиб бораётган Фарб бу ўлкаларга нисбатан ўзининг мустамлакачилик сийёсатини амалга ошира бошлади. Бундай оғир аҳволдан Ҳиндистон ҳам мустасно эмас эди.

Давоми учинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бизда кўпчилик Хитойдан келтирилган чини маҳсулотлари, гулдон ва турли-туман сувенирларга ўч бўлишди. Биз ўз ишимиз билан рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараялмиз...

"Хунар сизга нима берди?", деган саволимга уста қисқа ва гоят тушунарли қилиб "Мен ким эдим? Хунар мени элимиз давраларининг тўрига олиб чиқди", деб жавоб берди...

Ватан обод — кўнгал обод!

дейти шоир Ойбекнинг "Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди" деган мисрасини ўз тилида ифодалад. Ҳа, Нейматжон аканинг амалиёти тупроғимизда олтин гуллайётганидан биттагина далолат...

"Кўзи оғи остидан нарисини кўролмайдиғанлар, бор-йўғи, "пули кўп одам" деб қарашади, тушунганлар эса "юртни обод қилапти" дея шу сафга қўчишди!" дейди Нейматжон ака бизни...

"Обод турмуш йили" муносабати билан ўтказилган кўрик-танловнинг биринчи даражадаги диглом соҳибаси, Тўрақўрғон тумани "Хунарманда" уюшмаси бошланғич хотин-қизлар кўмитаси раиси, тикувчи Хуршида Хайитбоева билан унинг ўз устaxonида суҳбатлашганимизда шу нарса аён бўлдики, бугунги кунда кишики ўзидаги дангасалиқни енгиб, хоҳ катта бўлсин, хоҳи кичик, бир ишнинг бошини тутар экан, бу элда, бу замонларда асло хор бўлмас экан...

Икки боланинг онаси, эндигина ўттизга қоралган оддий бир каштадўз, зардуў ва тикувчи Хуршида ўз меҳнати билан оиласини боққани, ҳар уч ойда 16-17 тагача шогирдга хунар ўргатиб учирма қилгани баробарида яна 26-сонли меҳрибонлик уйда ўз соҳаси бўйича бепул дарс беради. У ўз ҳаётидан, кунда қилаётган хунаридан маннун.

"Нега мамнун бўлмайин, — дейди унинг ўзи, — ахир, соғман, фарзандларим бағримда, ишим-хунарим мен билан, яқинда янги қурилган

замонавий уйлاردан бирига кўчиб ўтаман. Уйимдан чиқсам ҳам, ишимдан икки қадам нарига юрсам ҳам атрофимизда ҳамма нарса муҳайё: кийим-кечак, озиқ-овқат, гўшт, қандалоқчилик дўконлари, қолаверса, пайнет дейсизми, хуллас, турмуш учун керакли ашёнинг ҳаммаси қўл чўзгулик масофада. Шундай экан, мен нимадан норози бўлай? Ана, телевизорни қўйинг, кўрасиз: дунёнинг манамаман деган жойлари остин-устин бўлиб ётибди, уруш дейсизми, ичимлик суви танқислиги, очарчилик, касаллик, нотинчлик дейсизми... Э-э-э, қўйинг, шуларни эсламайлик. Биз юртимизнинг, ундаги тинчлик-соийшталлиги ободончиликнинг, тўқчилиги мўлк-қўлчиликнинг қадрига етишимиз керак, деб биламан". Қандай орзу-ниятлар билан яшаясиз, дея яна сўрайман. Туршида "Она сифатида болаларимга яхши таълим-тарбия бериб элга қўшсам, тикувчи сифатида кўп иш ўрибли катта бир цех қўрсам, шогирдларим янаям кўп бўлса, шу юртининг бир фарзанди сифатида эса Президентимизни ҳаётда бир кўрсам", дея жиламлади.

Иккинчи фасл

Наманган шаҳридан чиқиб, Тўрақўрғон, сўнг Чўстини ортда қолдириб, Поғга йўл олдик.

Мелиқўзи ака Салимов кўринишидан жуда камтар, хокисор одам. Аммо ишимни пухта билиши фикрларидан сезилиб туради. У бир замон-

ТОМЧИДА ҚУЁШ АКСИ

лар савдо соҳасида ишлаган бўлса-да, деҳқончиликка алоҳида меҳри бўлган. Имкон тоғди дегунча, томорқасига чоғган, экин-тиникига қараган. Ушанда унинг кўнглида бир армон бўлган: Ер! "Қани энди ўзингга тегишли ер бўлсаю ҳеч ким тепангда ҳўжайинчилик қилмаса, ўша ерда ўзинг хоҳлагандек ер билан тиллашсанг, унинг ҳолига қарасанг, меҳнат қилсанг, ерни болангдек парвартишсанг, шунга яраша ҳосилини ҳам кўрсанг!", дея орзу қилган. "Фаришталар омин деган экан, йўқса, мендек бир камбағалнинг боласига бундай сийлов қаёқда эди? Мана, Истиклол тўфайли мен ўз орзумга етиб турибман!", дейди у. Чиндан ҳам Мелиқўзи аканинг хаёли ҳаётга айланди. Бундан 17 йил муқаддам фермер ҳўжаллиги ташкил этиб, 10 гектардан зиёдрок ернинг соҳибига айланганда ўзини дунёдаги энг бахтли кишилардан ҳис қилганди. Ишнинг кўзини билгани, астойдил меҳнат қилгани натижасида, мана, қаранг, у кишининг ўша ери беш ҳиссадан зиёдрок кўпайиб, бугунги кунда 55.80 гектарга етди.

"17 йилдан бери давлатга 1 кг ҳам иккинчи даражадаги қўнғал берганим йўқ, ҳар йили тоғдим. Ҳўжаллик номини ҳам яхши ният билан "Элназар Лутфулло" деб қўйдим. Отамнинг оти Эрназар эди, мен унга бироз бошқа маъно бериб, Элназар дедим, токи элимнинг назаридан ишларни қилиб, унинг назаридан юрай дедим, шўқри, бугун ниятимага етиб юрибман. Утган йили бир ўғлимга, бу йил эса бошқасига янги қурилган уйлاردан олиб бердим. Бирининг тағида "Каптив", бошқасиникида эса "Малибу" бор. Нафақат болаларимга, балки илгор сувчиларимга ҳам машина миндириб қўйганман. Йўғида велосипед бор, деб бемалол айтаман. Ҳозир 26 та ишчимнинг иссиқ-сوغуидан, тўй-маъракасидан ҳар доим хабардор бўлиб тураман. Бир замонлар гуваладан омонатинга кўтарилган пасткам уйим бўларди, энди пишиқ гийшдан қурилган коттеджларда яшаялмиз. Инсон ўзини ким эканлигини ўзи айтмасин, унинг ўрнига меҳадор ўтириб гагирсин. Мен бағрини меҳнатни шарофатда эришдим. Президентимиз билан икки бор кўришиб суҳбатлашганим ҳам меҳнатим тўфайли. Ушанда мен ёлғиз эмаслигимни, улкан суянчиғим борлигини ич-ичимдан ҳис қилганман".

Мелиқўзи ака юрт қаддини тиклаётган бир пайтда четда туриниши ўзига эп билолмайди. Маҳалла йўлларини асфальт қилиш борми, бирон техника билан ёрдам қилиш борми, моддий рағбат-қўмак дейсизми, дарахт экиш борми, барига бирдек аралашсам, ёрдамим тегса, дейди. Ана шу меҳнати оқибатида 63 ёшга кирган Мелиқўзи

ака ҳаётдан уқанларини шюрдек тақорлаб юради: "Деҳқончилик қилган одамнинг етти пушти маъмур бўлади" ёки "Одамлар жаннат қидиради, мана у — бизнинг юрти!" У, Яратганга, авваламбор, Ўзбекистонда туғилгани учун, қолаверса, орзу қилган замонасига етгани учун яна ва яна шўқорналар келтиради. "Шунинг учун ҳам ҳаж вақтида Каъбатулоҳдаги қратошни ушлаб турганимда ҳам юртим ҳаққига дуода бўлдим: уни ёмон кўзлардан, балои қазолардан асрасин, дея илтижолар қилдим", дейди фермер акаимиз.

Мелиқўзи аканинг битта армони бор: "Қани энди ота-онам ҳаёт бўлсалару уларга "манави ер меники, ердаги турли экинлар, четидоғи дарахтлар, пайкалларда тариллаб юрган тракторлар меники, хуув анави савлат тўкиб турган қатор-қатор уйлар, машиналар ҳам меники, деб айта олсам", дейди. Лекин Мелиқўзи аканинг фарзандлари бор, оғир-енгли кунда ёнида туррадиган маҳалла-қўй, қавми қариндошлари, бирга меҳнат қиладиган жамоа аҳли ёнида. Шуларнинг ўзиям катта давлат. Мелиқўзи ака буларни яхши билади.

"Болаларим "Дада, сиз энди дам олинг!", дейишди. Мен эса далани, экинни кўрсамас, туролмайман. Ахир, мен улар билан гаплагилди юраман-ку! Деҳқон экинни, экин эса деҳқонни кўриб туриши керак, шунда улар бир-бирларидан куч олиб яшайди. Сувни тараб қўйиб, қараб турсам, ер менга миннатдорчилик билдириб ши-

йугун бўлиб кетсин. Кейин бизда битта янгилик қилинапти: у ҳам бўлса, ювилганда ва даэмол қилинганда атлас ва адресда ўзгариш бўлар эди, биз раҳбарият билан келишган ҳолда ўзгармайдиған атлас ва адресдан фойдаланишни қўзалаймиз. Бу — матоларнинг янги хили ва уни илк бор биз ишлатмоқдамиз".

Менга улардаги билим, ғайрат, шижоат ва ўз кучларига ишонч ҳисллари гоят маъқул келди. Яна миллий гуруру ва шуурнинг баландлиги, ўзлари яратаётган ҳар бир либосга, — ҳатто у оддий бўйинбоғ бўлса ҳам, — миллий либосларимизга хошлиқдан кичик бир элементни жойлаб қўйишлари менинг ҳам ифтихоримга сабаб бўлди. Чўнки Ватани, миллатни севиш ҳамда унга сидқидилдан хизмат қилиш дегани айнан мана шу тарада намоён бўлади-да. Аслида, Ватанга қандай муносабатда эканимиз баландрарвоз, жимжимдор сўзаларимизда эмас, кўпроқ рўёбга чиқараётган шу каби ишларимизда, амалларимизда билиниб туради. Мен жажжигина дизайнер қизчаларимизнинг ба-

бўлганини тушундик. У суҳбат асносида асосан ўтишдан, унинг сиюнатидан гапирган бўлса, бугунги кўриб бошлагача бизни ундаб қўйган эди. Наманганни айланиб кўришимиз натижасида "кеча ва бугун"нинг фарқи шўндок



кафтимизга келиб тушди.

Отахоннинг дуосини олиб, ўша хонадонда жойлашган "Истиклол уй-музеи"га кирдик. Музейни отахоннинг тўртинчи фарзанди, тил ва адабиёт ўқитувчиси, драматург, болалар шюираси — 71 ёшли Тўхтаҳон опа Раҳимова 2000 йилда ўз ташаббуси ва кучи билан ташкил этган экан. Отахон тирик тарих бўлса, опа ташкил қилган музей эса ҳужжатли тарих эди. Отахон бир асрни эслаб ҳўқоя қилса, опанинг тарихи энг камида 2, 3 ва ҳатто 5 асрлик тарихдан сўз сўзаларди. Бу ерда ҳам қиёс бор: "кеча ва бугун" деган. "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган саволнинг жавобини ҳам отахон билан суҳбат қуриб, ҳам онахоннинг уй-музеи билан танишиб чиққан кишики бор, дарров англаб етди. "Уй-музейимизга бутун вилоятимизнинг мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари, умуман, республикамиздан сизга ўхшаган барча қизиқувчилар келиб туришди, мен уларга мана шу ерга қўйилган экспонатлар ёрдамида тарихимизни ва бугунги Истиклол замонимизни ҳўқоя қилиб бераман. Отам ва она ўхшаб катта авлод вакиллари билан суҳбатлар, учрашувлар уюштираман, токи ёшларимиз бугунги қиёлиг кадрига кўпроқ етсинлар!" дейди чин эбини опа Тўхтаҳон Раҳимова.

Мана, азизлар, томчида қуёш акс этишига яна бир қарра биргалиқда гувоҳ бўлдик. Аслида, бугун юртимизнинг ҳамма гўшаларида ана шўндай — юракларига Ватан тилмосини нақшлаб олган одамлар яшайди ва улар аниқгина ошира-шило эсагани арзийди. Менга тилгани ва билганига шўҳрида қурилайётган замонавий уйлари ҳам бориб кўрдим, уларда яшаётган хонадон эгалари билан дилдан суҳбатлашдим ва шўндай хулосага келдимки, барчасининг юракларида Ватан ва миллат тўйғуси кундан кунга кучайиб, мустаҳкамланиб борапти экан. Ҳатто Раҳимжон ака деган янги бир уй соҳибни ёлғизгина ўғлининг хорихга ишлагани бормоқчи бўлганида қаттиқ қаршилик кўрсатиб, унга ўз хунари — пайабзалчиликни ўргатгани, мана, орадан етти-саккиз йил ўтиб эса, соҳада тажриба тўплаган йигит ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни четга — қуни-кеча ўзи мардикорчилик қилиш учун отланмоқчи бўлгани ўша хорихга экспорт қилаётганини гапириб қолди. "Мана бу иш бизнинг ватандошимизга ярашади!", дея мен ҳам отага қўшилиб чин дилдан қувониб кетдим.

Сафар нўқоя тоғиб, йўловчи машинада Тошкентга қайтар эканман, Наманган мисолида юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ҳаёлимдан кинолентадек лип-лип ўта бошлади. Шўнда мен бутун мамлакатимиз улкан қурилшларда қучоғида нафас олаётганини ўйлаб, бундай — тўздан ўзгараётган юрт фарзандининг онги ва дунёқарашида ҳам шўнга монанд юксак орзу-ниятлар тўғилишига йймон келдирдим.



Улуғбек ҲАМДАМ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Юртбошимиз ташаббуси билан яратилган бир-бирини тўлдирувчи улғувор композициялар — Мустақиллик ва Эзгулик монументи халқимизнинг рўёбга чиққан асрий орзу-умидлари тимсолидир. Фарзандига меҳр билан термулиб турган онани кўриб беҳиётёр қалбидан кувш тағти бор бахтли онангиз, опа-сингилнинг кўз ўнгингизга келади. Зарҳал ер шаридоғи Ўзбекистон хари-таси Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни борлигини ва жаҳонро шўҳрати тобора ортиб бораётганини ифода этади.

БАХТИЁР ОНА ВА СОҒЛОМ БОЛА

Майдоннинг асо-сий кириш йўли ол-дида қумушсимон металдан енгил ва нозик ишланган Арка беҳи-тиёр эйтиборингизни тортади. 150 метрлик Эз-гулик Аркасини 16 та мармар устун қўтариб ту-рибди. Унинг тепасида парвозга шайланган тур-налар, тик оёкдаги лайлакларга қўзингиз туша-ди. Мустақиллик ва Эзгулик монументи ягона ан-самблини ташкил этади. Баландр мармур устунлар истиқлолимизнинг мустаҳкам пойдевори, куч-қуд-рати, салоҳиятини акс эттирса, Арка устидаги оқ лайлаклар пок орзу-уйларимиз, эзгу мақсадла-римиз, юртимизда қарор топган соийшталлик ва фаровонлик, тинчлик рамзидир. Мустақиллик майдонида бунёд этилган Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисининг Сенат биноси, Вазир-лар Маҳкамаси бинолари, Хотира хиёбони, Тур-кистон саройи, "Маърифат маркази" мажмуаси, "Пойтахт" бизнес маркази, Тасвирий санъат га-лереяси, Ёшлар ижод саройи каби мажмуалар

бош майдоннинг умумий манзарасини тўлдириб турибди.

Бу гўша эртаю кеч қалби эзгуликка, покликка лим-мо-лим ҳамюртларимиз билан гавжум. "Бахтиёр она" пойига гулчамбар қўяётган келин-куёвларни кўриб беҳиётёр ва масканнинг муқаддас қадамжо-га айланганига яна бир қарра амин бўласиз.

Неваралари билан айланиб юрган бухоролик ўқитувчи Салима Худойбергеновани суҳбатга тортаямиз.

— Кечагидек осимда, — дейди у. — Бундан бир неча йиллар олдин Юртбошимиз шу майдонда бахтиёр она тимсолини акс эттирувчи ёдгорлик

ўрнатишни тақлиф этаркан: "Ҳаётда бир-бирини тоғиб, оила қураётган ёшларимиз эзгу ният билан шу дарвозадан ўтиб, мўтабар она сиймоси олдида бир зум ўйга толсалар, ўзларига, ўзга-ларга бахт тиласалар қандай яхши. Бунинг бои-си шўқи, аёл бахтли бўлса, оила бахтли бўлади — оила бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади. Мана шўндай табарруқ маскан бутун халқимиз, энг аввало, ёшларимиз учун мўтабар қадамжо бўлиб қолади", дея таъкидлагандилар. Мана, яқинда ўғлим келимин билан бирга келиб ана у келин-куёвлардек "Бахтиёр она" пойига гулдас-та қўйишди. Мустақиллик ва эзгуликни бир-би-ридан айро тасавур қилиб бўлмайди, юр-тимизда ўтказилаётган қўтлуғ байрамлар, тўю то-мошалар шўқухини ҳам бош майдонимизсиз та-саввур қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, бу майдонда бўлган ҳар бир киши

истиклол яратган эркинлик, бунёдкорлик дав-ри ҳақиқатларини ҳис қилмай қолмайди. Эзгу-лик сўзи эса ҳар қадамда эзгу ишлар қўлишини таъкидлаб тургандек гўё.

Шюир таъкидлаганидек:

Мангу эрка чорлайди Мустақиллик майдони, Лайлаклар чарх уриб, зийнатлайди самони, Ҳар ким бунда ҳис этар, эрка майин сабони, Бу муқаддас даргоҳдоғи, қилурман таъзим, Тошкент, Бу қун сенга ярашар байраму базм, Тошкент!

Мустақиллик майдони бугун янги йил байрами арафасида янада гўзаллашган. Қумуш қишининг оппоқ қорлари тўшалган бош майдон узра Янги йил арчаси қад кўтарди. Президентимиз томонидан 2014 йилнинг "Соғлом бола йили", деб эълон қилинган барчамиз-нинг дилимизга янада катта орзу-умидлар, эзгу мақсадлар олиб кирди. Зеро, фар-зандлари соғлом юртининг истиқболи, бахт-икболи барқарордир. Фарзандини бағрига босган Бахти-ёр она ҳайкалига яна бир бор назар ташлар экан-ман, соғлом, қувноқ болақай ва бахтли она тимсоли келажагимиз нури эканлигини ҳар доим эслатиб тургандек гўё. Зеро, биз учун истиқлол — бутун дунёда миллатимиз, мамлакатимизнинг шаънини улғулайдиган, обрў-эйтиборини кўтарадиган соғлом авлодини, ҳар жиҳатдан баркамол ўғил-қизларни во-яга етказиши, уларнинг бахтини кўришдир аслида. Фаровонлик ҳўкм сурган юртдан байрамлар, тўю то-мошалар, тантаналар аримайди. Бундай юртда яша-ётган ҳар бир юртдошимиз, фарзандларимиз ди-лида Ватанга муҳаббат, эзгулик, оилага садоқат руҳи устувордир.

"ГУЛИСТОН"

2013 йил, 6-сон

Журналнинг янги сони илк саҳифаларида Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига ба-ғишланган тантанали маросимдаги маърузасидан иқти-бослар берилган. Нилуфар Хайитованинг "Мустақиллик қомуси" сарлавҳаси остида турли соҳа вакиллари билан суҳбати эълон қилинган. Таъкидотчи Алишер Йўлдо-шевнинг "Истеъдод оилада камол топади" мақоласида оилавий тотуликнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўз боради. Раҳима Нурматованинг "Инсон руҳиятини тарбиялаш мезони", адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг "Дунё кенглигига сигмайди кўнгли", Дилфуза



Журналларни варақлаганча

Фазнаеванинг "Элига эзгу-лик истади шоир" мақола-лари ҳам ушбу сондан ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи тизи-мида ўтказилган "Қўҳна замин оҳанглари", "Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот" сингари тадбирлар тафсилотлари ҳам журналнинг ушбу сонида ёритилган. Шоир Фахриёрнинг янги туркуми шеърят муҳлисларига аталган. Маълумки, журналда айна ушбу нашр учун ёзилган ҳўқояларни адабиётшуносларнинг шу асар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан бирга ёритиш аниқанам мавжуд. Езувчи Луқмон Бўрихоннинг "Ялангоёқ" ҳўқояси ва мазкур ҳўқояга адабиёт-шунос олим Иброҳим Гафуровнинг "Эски мотивга янги оҳанг" сарлавҳали мақоласи ушбу аниқанам давом эттирган. Чет эл адабиёти илосмандлари чех ёзувчиси Карел Чапекнинг "Шюир" ҳўқояси билан ҳам танишадилар. Ўзбекистон халқ ҳўфизси Алижон Эркаев билан журналист Мавлуда Иброҳимованинг суҳбати ҳофизнинг ижодий фаолиятига бағишланган. Буюк композитор Гектор Берлиоз ҳаёти ҳақидаги Шермурод Субҳоннинг "У шифокор бўлиши мумкин эди..." мақоласи, Нигина Қодированинг "Янги йилда ярашқили жозиб" номли тасвиляри, "Галерея" рункида Рустам Худойбергеновнинг "Тасвирий санъат жозибаси" мақоласи журналнинг ушбу сони мундарижасини бойитган.

Барно СУЛТОНОВА

Бошланғич биринчи саҳифада.

Дарҳақиқат, XVII аср бошларига келиб Фарбнинг Ҳиндистонда савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи турли компаниялари ва сиёсий мақсадлари кўзловчи миссионерлик ташкилотлари ўз ишларини фаол йўлга қўйган эди. Улар ўз режаларига эришгани сайин маҳаллий аҳоли эрки ва озодлигидан маҳрум бўла бошган, оғир иқтимоий аҳвол юзага келган. Озодликни ҳамма нарсадан устун деб билган жамиятнинг илгор зиёлиларини бу аҳвол изтиробга солган. Ҳаётда Ҳиндистондаги, қолаверса, бутун муулмон Шарқдаги бу ҳолатни ижодига юксак маҳорат билан акс этган шоир Мирзо Абдулқодир Бедилдир.

Маълумки, Бобурий подшоҳ Акбар (1542–1605) замонида Ҳиндистон иқтимоий ҳаёти анча юксалади, бироқ кейинги даврларга келиб инқироз юз бера бошлади. Бедил ҳаёти мана шу инқироз даврига тўғри келган. Шоир бир раубойида нафақат моддий вайронгарчиликлар, балки вафодорлик, содиқлик сингари инсоний фазилатлар ҳам барбод бўлиб бораётгани ҳақида куюниб ёзади:

Умрест шикасти бому дар мебинам,
Бунёдн вафо зеру забар мебинам.
Ҳар субҳи сар зи хоб бармедорам,
Ошуби қиёмате дигар мебинам.

(Мазмуни: Умрим бўйи иморатларни шикастланган ҳолда кўраман. Вафо асосларини барбод ҳолда кўраман. Ҳар тонг уйгонган чоғимда ўзгача бир қиёмат юз бераётганини кўраман.)

Ҳиндистондаги бундай чуқур инқироз оқибатида маориф тизими яроқсиз аҳволга келиб қолгани, мударрислар орасида мутаассиблик авж олганини шоир шундай тасвирлаган:

Ўчмишдир мадраса чироғи бул кун,
Қайнар бемаънилик булоғи бул кун.
Беҳаёлик эшигин қоқмоқда мулло,
Кўп баладд подонлик димоғи бул кун.

(Ш.Шоҳмаммедов таржимаси.)

Мамлакатда юзага келган мураккаб шароитнинг бу каби ички сабаблари билан бирга ташқи сабаблари ҳам бор эди. Бедил Ҳинд ўлкаси европалар томонидан санъат маҳсулотлари бозорига айлантирилиши оқибатида маҳаллий ишлаб чиқариш касодга учраб, аҳоли турмуш тарзи тобора ноҳорлиққа бораётганидан изтироб чекиб газалларидан бирида: мен бу олам билан ҳеч бир шаклда дўст бўлолмадим, ундан гўё фаранг(европолик)дан юрак олдириган мўъминдек қочаман, худди итга тош отиб қонган боладак, замона офатларидан безиллаб, ундан юз ўтираман, деб ёзади.

Бедил ижодига бу каби иқтимоий ноҳақликларга қарши кураш мотивлари кўп учрайди. Шоир ноҳақлик авж олган кўйини вазиятда инсон ўзини қандай тутиши кераклигини ҳақида ҳам жуда кўп мушоҳада юритган, кишиларни саботли бўлиш, ёмонликка ички ирода билан қарши туриш, шу йўл билан уни енгишга чорлайди.

Хуллас, Бедил Ҳинд мамлақати шайхонасида янги аҳвол шайхонада нафос ўлароқ етакчилик қилган бўлса, Бедил шайхонада иқтимоий-сиёсий масалалар кўлини ўринга олиб чиқилди. Бу, албатта, кучли ҳаётий эҳтиёжга кўра содир бўлган. Масалан, бир газалида иқтимоий иллатларни бартараф этиш ўзининг асосий мақсади эканлигини айтди:

Ваъзи ҳамвори зи абион замон матлуби мост,
Одамизод гар набошад, хар ки хоҳад хар шавад.

(Мазмуни: замона одамларни тўғри йўлга бошлаш бизнинг муддаомиздир, кимки одам эмас ҳайвон экан, шундайлигига қолаверсин.)

Бинобарин, Бедил XVII–XVIII асрларда Ҳиндистонда юзага келган оғир иқтимоий аҳволга қарши курашиш борасида ўзининг фалсафий, афоризмларга бой таълимотини яратган эди. Бу – бедилizm (“бедилizm” терминини илк бор Е.Бертельс қўллаган. Қаранг: Бертельс Е.Э. Бедил ҳақида мулоҳазалар. “Зафар” адабий алманахи, 1945 йил, 122-бет). Шу тўғрисида ҳам унинг ижоди кўнглида ватанпарварлик туйғуси бор кишиларни бефарқ қолдирмаган, жумладан, асарлари ҳаётлик пайтида ва вафот этганидан кўп ўтмай Урта Осиёга тарқала бошлаган. Тадқиқотчилар Бедил асарларининг Тур-

кистонга жуда тез тарқалишини Урта Осиё ва Ҳиндистоннинг тарихан яқин маданий ва иқтимоий-сиёсий алоқалари билан изоҳлайдилар. Бу фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, чуқур инқироз гирдобига тортилган Туркистон ўлкаси ҳам XIX аср иккинчи ярмидан кейин худди Ҳиндистон Европа томонидан мустамлакачилик хурожида дучор этилгани сингари Россиянинг босқинчилик таҳдидига учради. Бунинг оқибатида минтақада оғир иқтимоий аҳвол юзага келди, халқ сиёсий ҳуқуқларидан маҳрум этилди ва ушбу ҳолат зиёлиларни изтиробга сола бошлади. Мана шундай бир шароитда Бедил асарлари уларга бошқа муҳитдан етиб келган дардаш бир мужда каби таъсир кўрсатди. Бинобарин, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Қўқон, Хива сингари шаҳарларда Бедил асарларини ўқиш, шарҳлашга катта қизиқишнинг бош сабаби мана шунда эди. Айтиш жоизки, Мунис, Турди Фароғий, Нодира, Муҳйи, Фурқат, Муқимий, Завқий, Алмайи, Сидқий-Хондайлик, Камий, Ҳазиний сингари ўзбек маърифатпарварлик адабиёти намояндаларини ижодига Бедил асарлари гоявий жиҳатдан таъсир кўрсатган.

Нафақат маърифатпарварлик адабиёти намояндаларига, балки улардан кейин кўрсатган Бедил ҳақида адабиёт вакиллари ҳам Бедил ижоди гоявий таъсир ўтказган. Чунончи, XIX аср ўрталарида кейинчалик “жадид” деб аталган адабиётнинг юзага келишида Аҳмад Донишнинг (1818–1897) хизмати катта бўлган. Бу ҳақида Садриддин Айний шундай ёзади: “Мана шу чоқларда қоронгу кечаларнинг охиридада йилтиллаб туққан тонг юлдузидек, Бухоронинг қоронгу уфқларидан бир юлдуз чиқди. Ушбу юлдуз

йил 24-сонида “Таржимон” тахаллуси билан ижод қилган ўзбек жадид шоири карманалик Баҳромбек Давлатшоенин (1873–1919) Бедил таржимаи холи ҳақида “Шўро” да мақола эълон этилишини сўраб ёзган илтимоси ва “европалик шарқшунослар ёрдам бермасалар, бизнинг бу шоир ҳақида таржимаи холи ёзиш қўлимиздан келармикан” қабилидаги мулоҳазаси босилади. Бу илтимос ва мулоҳазани ўқиб, татар зиёлиси Олимжон ул-Идрис жавоб ёзишга ҳаракат қилади. Унинг жавоб мақоласи “Шўро”нинг 1911 йил 6-сонида босилади. Олимжон ул-Идрис бу мақолада Бедил ҳақида маълумот бериб: “Бедил тахаллуси билан машҳур шоирнинг асл исми Абдулқодир бўлиб, “Қомус

Таъқиқот, ахборот

ул-аълom”нинг 2-жилди, 1428 саҳифасида у ҳақида маълумот берилганлигини айтади ва ўз мақоласида ўша маълумотларни қайд этиш билан қиёяланади. Афсуски, “Қомус ул-аълom”даги Бедил ҳақида берилган маълумотларнинг асарияти нотўғри ва чалқаш бўлган.

Мазкур мақоладан бир оз ўтиб, журналнинг 1911 йил, 1 июн сонида Хивадаги Қутлук Мурод Инок мадрасаси толиби Али Акбар Нўғоевнинг “Мирзо Бедил хусусида (Олимжон ул-Идрисий афандийа очик хат)” сарлавҳали эътироз мақоласи босилади. Унда Али Акбар Нўғоев Олимжон ул-Идрис мақоласидаги: “Мирзо Абдулқодир Бедил 977 йилда таваллуд топиб, 1015 йилда тахта чиққан Жаҳонгиршоҳнинг замонида етишмиш”, дейилгани ҳолда, кейинидан “Учинчи аср бошларида вафот этиб, Дехлида дафн этилган” сингари бир-бирини тасдиқламайдиган маълумотлар борлигини танқид қилади.

Шундан кейин журналнинг 1912 йил 15 январь сонида Олимжон ул-Идриснинг “Яна “Мирзо Бедил ҳақида” номи мақоласи эълон қилинади. Олимжон ул-Идрис бу мақолада, асосан, Али Акбар Нўғоев томонидан айтилган танқидларни тан олган ва навбатдаги мақоласида ўзининг биринчи мақоласида Бедил ҳақида айтилган нотўғри маълумотларни Бухоро мадрасасида ўқиган пайтида танишгани Садриддин Айний ёрдамида тўғрилаш ниятида эканлигини билдирган. Бедил ҳақида биринчи муҳтарам мақола-сидан кейин у Бухорога С.Айнийга мактуб йўллаб, Бедил ҳақида муфассал ёзиб юборишини сўраган ва С.Айнийнинг жавоб мактубини 1911 йил 3-мартда олган. Олимжон ул-Идрис Айнийнинг бу мақоласини татаришга ўғириб, “Шўро” да бостирган. Бедил асарлари ҳақидаги мулоҳазалар илк бор жадид матбуотида шу йўсинда кириб келган.

1919 йили Фитрат “Бедил” деб номланган бадиҳа ёзади. Унда, асосан, Бедилнинг иқтимоий масалалар ҳақидаги фикрлар борасида мушоҳада юритилган. Бадиҳада Фитрат Бухорликларнинг ўз турмуш тарзларини яшиллаш учун, аввало, фикрларини ўзгартиришлари лозимлигини таъкидлайди ва ўзининг қарашини Бедил асарларидан келтирилган мисоллар орқали асослашга ҳаракат қилади(Фитрат. Бедил (Бир маҳлиса). Т., 1996). Тошкент жадидчилиги намояндаларидан Миён Бузрук ҳам “Бедил” сарлавҳали мақола ёзади, бу мақола “Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1928 йил, 10-сонида босилиб чиқади. Унда ҳам, асосан, Бедилнинг фалсафий ва ўтган асрнинг 40–70-йилларида С.Айний, Е.Бертельс, И.Мўминов, Ш.Шукуров сингари олимлар Мирзо Бедил ижодини, унинг фалсафий, иқтимоий-сиёсий қарашларини тадқиқ этишди. Бироқ бу йилларда маърифатпарварлик ҳамда жадид адабиёти тўғрисида ҳолис фикр айтиш имкони бўлмагани сабабли Бедил ижодининг бу давр адабий ҳаракатчилиги билан боғлиқ жиҳатлари етарлига очиб берилмади.

Хуллас, Мирзо Бедил ижоди XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошига келиб Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда вужуд келган маърифатпарварлик ва жадид адабиётига гоявий жиҳатдан таъсир кўрсатган. Чунончи, XIX аср иккинчи ярмида ёзилган Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоъ” ва XX асрнинг 10-йилларида ёзилган Фитрат (“Раҳбари наҳот”, “Сайёҳи ҳинди”, “Мунозара”) асарлари ҳам Бедилнинг иқтимоий-сиёсий қарашлари таъсири бўлгани шубҳасиздир.



Бурxon АБДУЛХУРОВ
филология фанлари номзоди

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Улуғ туркман шоири Махтумқули Фароғий ижоди ўзбек китобхоналарига қадимдан таниш. Махтумқули шеърларининг илк ўзбекча таржимаси таниқан адиб ва таржимашунос олим Жуманиёз Шарипов қаламига мансуб. У шоирнинг уч юз ўн тўртта шеърини таржима қилиб, 1958 йили “Танланган асарлар” номи билан чоп эттирган.

Бу таржималар 1960 ва 1963 йилларда бир оз қисқартирилган ҳолда ҳамда “Махтумқули шеърляридан” деб номланган тўплам тарзида 1976 йили қайта чоп этилган. Музаффар Аҳмад таржимасида шоирнинг етмишга яқин шеъри 1995 йили “Сайланма” номида босилган.

Мирзо Кенжабек Махтумқулининг диний мазмундаги бир юз етмишга шеърини илк бор ўзбекчалаштириб, мустақиллик йилларида чоп қилдириган. Бу китоб ҳам “Сайланма” деб номлаган. Бундан ташқари, турли нашрларда Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Али, Носир Муҳаммад таржималарида шоир ижодидан намуналар эълон қилинган. Эргаш Очилов Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига ўғирилганларини саралаб, ўзи ҳам шоирнинг 45 та шеърини таржима қилиб, 2007 йили “Дунё ўтиб боради” номи билан чоп эттирган. Ушбу нашрлар туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули ижоди ўзбек китобхоналари учун ҳам гоятда қадрли эканлигини тасдиқлайди.

Албатта, ҳар бир таржима ўз даврининг маҳсули бўлиб, таржима амалиётининг тўғри, лаяоқаддаги даражасида муайян муайян даражада аслиятга янада яқинлашишга интилади. Бундан ташқари, таржимашуносликда «яқин тиллардан таржима» деган тушунча ҳам борки, бу, аслини олганда, бадиий асарни қардош тиллардан ўғиртиш ўзаро узоқ тиллардан таржима қилишдан кўра нисбатан қийинроқ эканлигини тасдиқлайди. Зеро, яқин тилларда бир хил қўлланса-да, аслида, маъноси турлича, ҳатто баъзан мулқат тескари бўлган ва шу сабабли ҳам «алдоқчи сўзлар» деб номланган сўзлар кўп бўлиб мавжудки, улар синчков мутаржимни ҳам чалғитади.

Э.Очилов Махтумқули асарларининг аввалги таржималаридан яхши хабардор, уларнинг таржимашуноснонигоҳи билан тадқиқ этган, аруз вазиғи вазиғи солиб ўғиртиш билан боғлиқ баъзи сакталикларга дуч келган ва ўз таржималарида имкон қадар нуқсонларга йўл қўймади интилган. 2010 йили атоқли туркман шоири Муллаофас таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан шоир асарларини аслиятдан таржима қилиб, «Муҳаббат фасли» номида чоп эттиргани фикримизнинг тасдиғидир.

Бинобарин, таваллудининг 290 йиллигига бағишлаб Махтумқулининг салкам тўрт юзтача шеъри жамланган, Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимўхамедовнинг «Махтумқули – инсон қалбининг Луқмони ҳақими» сарлавҳали сўзбоши, Туркманiston Миллий Қўлэмалар институтининг директори, Туркманiston Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Аннагурбан Ашировнинг «Махтумқули Фароғий» сарлавҳали муфассал сўзбоши ҳамда изоҳ ва луғатлар билан таъминланган «Асарлар» («Академнашр» наширети, 2013) китобини нашрга тайёрлади ва бу нашр шоир ижодиётини ўзбек китобхоналарига тўлароқ етказишда навбатдаги хайрли кадам бўлди.

Таъкидлаш керакики, ушбу нашрда туркманistonлик тадқиқотчилар томонидан тайёрланган Махтумқули асарларининг мавжуд қўлэмза ва тошбосма нусхалари қиёялаб, ҳар хилликлар бартараф қилинган тўла илмий-танқидий академик наشريдан фойдаланилган. Нашрда элликтдан ортик янги шеър бор, бир неча шеър матнида жиддий ўзгаришлар учрайди, яъни баъзиларига мисрлар қўшилган бўлса, айрим-айрим қисқарган, сўзлар ўзгарган. Масалан, «Мол яхши» шеъри аввалги нашрларда 5 банд(20 мисра)дан, янги нашрда эса 7 банд(28 мисра)дан иборат. «Омонга келар» шеъри аввалги нашрларда 9 банд(36 мисра), янги нашрда 10 банд(49 мисра).

Шу пайтга қадар ўзбек тилига таржима қилинган Махтумқули асарлари сони олти юзтадан зиёдлигини қайд этадиган бўлса, Махтумқулига нисбат берилган ва қўлэмзаларда йўқ, бироқ оғиздан оғизга ўтиб бизгача етиб келаётган бир неча шеърлар ҳам борки, уларнинг шоир ижодига алоқадорлиги туркманistonлик олимлар томонидан очиб қилини ҳам табиий.

Шу боисдан ҳам танқид таржимашуносно ва мутаржим Эргаш Очилов Махтумқули асарларининг ушбу нашрини тўлиғича янгидан таржима қилган. У Махтумқули ҳаёти, ижоди тадқиқи ва шеърлари таржимаси билан кўп йиллардан буён шуғулланиб келаётган тадқиқотчи сифатида «Туркман булбули», «Махтумқули асарларининг ўзбекча таржималари», «Махтумқули ижоди Ўзбекистонда», «Умрбоқий ҳикматлар» сингари мақолаулар эълон қилди, 2012 йили «Узостиндан айрилма» тўпламини ҳамда 2013 йили «Хикматлар» китобини нашр эттирди. Махтумқули асарларининг туркман тилидаги энг эътиборли илмий-танқидий нашри асосида амалга оширилган янги таржима ушбу изланишларнинг танқидий давоми, машҳур туркман шоири асарларининг ўзбек тилидаги тўлиқ таржимасидир.

Маълумки, шеърий таржимада, айниқса, вазн ва қофия талаби билан айрим ўринларда нималардандир воз кечишига, нималардандир қўйишига тўғри келади ва ушбу ҳол мутаржим иштироидан ташқари бўлиб, ҳар қандай мукамал таржимада ҳам бундай ҳолатлар билан боғлиқ чекланишлар мавжуддир.

«Хар гулнинг ўзи ҳиди бор», дейди доно халқимиз. Шунингдек, биз юқориде тилга олинган ҳар бир таржиманинг ҳам ўзига ҳос жозибаси бор. Таржимонларимиз туркман шоири асарларини рус тили воситасида ўғирганларимиз, бевосита аслиятдан, бармоқда ёки арузда таржима қилганларимиз, ҳар ҳолда Махтумқули бадииятини имкон қадар қайта тиклашга эришганлар.

Махтумқули «Асарлар» тўпламининг ўзбек тилидаги нашри улуғ туркман шоири таваллудининг 290 йиллигига муносиб тўёна бўлиб, ўзбек ва туркман халқлари ўрта-асрларда қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



МАХТУМҚУЛИ АСАРЛАР

Раҳматулла БАРАКАЕВ,
филология фанлари номзоди

МАФТУНКОР БЕДИЛ

Аҳмад Калла деб машҳур бўлган Аҳмад Маҳдум муҳандиси Дониш эди”(Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. М., 1926, 25-бет).

Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоъ” асарида илк бор яроқсиз аҳволга келиб қолган тузумни ислоҳ қилиш тўғрисида фикрлар баён этилган. Шу боисдан ҳам унинг бу асари С.Айний ва А.Фитратга кучли таъсир ўтказган. Бу ҳақида С.Айний “Эсдаликлар”ида ўқиймиз: “Бу мадрасаларда турган вақтларда менинг дарс ўқишим, айниқса, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоъ” асари билан танишганимдан сўнг анча сувайди. Дарсхонадаги дарсларни бефойда нарсалар ва уларга кетадиган вақтни беҳуда ўтадиган фурсат деб ҳисоблардим. Аммо расмийт узасидан бирон китобни кўтариб олиб, дарсхоналарга қатнардим ва дўстларим орасида Бухоро дарсоналарининг программасини ўзгартириш лозимлигини гапирардим”.

Яна шу муаллиф Аҳмад Дониш асари таъсирида онгидан кечган ўзгаришлар ҳақида қуйидаги характери фикр-ни баён этган: “Бирок “Наводир ул-вақоъ” мундарижасидан ҳаётдаги тахликали аҳволнинг реал тасвирини худди ўзим турмушда тасаввур этганимдай кўрганамда менда бошқача ҳолат рўй берди. Дилимда айтдим: “Бу аҳволни тузатмоқ лозим, агар мен тузата олма эканман, ундан нафратланшим зарур”.

Шу ўринда, хўш, кишилар онгини ўзгартирадиган даражадаги асарлар “Наводир ул-вақоъ”га қаердан ўтган С.Айний “Эсдаликлар”ига мурожаат қилимиз: Адиб ёзади: “XIX асрда Бухоронинг ёзувчи ва мутафаккир шоири Аҳмад Дониш (вафоти – 1897) Бедилни жуда севар ва унинг баъзи бир мушкул нарсаларини шарҳлар эди”. Дарвоқе, Бедилшунос Ш.Шукуровнинг қайд этишича, Аҳмад Дониш каламига мансуб “Наводир ул-вақоъ” асарининг бир боби Бедил лирик меросининг шарҳ-изоҳига бағишланган (Шукуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. Т., 1979, 97-бет). Бедил асарларининг Аҳмад Дониш томонидан кўчирилган қўлэмзаларидан бир неча нусха ЎзР ФА Шарқшунослик институтини фондидида сақланади. Улар орасида инвентар рақами 2898-1 қўлэмзадаги кўпгина раубойларга Дониш томонидан шарҳ-изоҳ берилган. Ш.Шукуровнинг қайд этишича, Аҳмад Донишнинг Бедил асарларига берган бу изоҳлари ҳақон бедилшунослик фанида ягона бўлиб қолмоқда.

Яна бир муҳим масала Бедил фикрлари, асарлари ҳақидаги мунозараларнинг жадид матбуоти ва адабиётда пайдо бўлиш билан боғлиқ. XX аср бошларидан Оренбург шаҳрида нашр этила бошлаган “Шўро” журнали Туркистонда ҳам зўр қизиқиш билан ўқилган. Журналнинг 1910

миш уни белига боғлайди, Қоражон чирлиниб тортади, қараса, тортиб олгудай ғайрати бор. Шунда Алпомиш ўйга толади: бу зиндондан уни Қоражон тортиб чиқариб олар, элда маърака-мажлис бўлар, бир тошиб гапириб ўтирган вақтида, зиндонда чи-

Ёшлар овози

риб кетадиган одам эдинг, сени фалокатдан қутқарган менман-ку, деб юзига айтса не деган одам бўлади. Шу ўй билан Алпомиш оёғини тираб туради, Қоражон арқонни чирпини тортиди, арқон узалиб, Алпомиш зиндонга тушиб кетади. Ўлим билан юзма-юз турган бўлса-да, Алпомиш ор-номусини ўйлаб сингалдан дўстининг мададидан юз ўгиради... Етти йил зиндонда ётган Алпомиш озодликка чиқиб, қалмоқлар юртида адолат ўрнатиб, уларга Қайқубодни хон кўтариб, юртига қайтади. Ўз мулкидан юз берган фитналарнинг асл сабабчилари кимлар экани ҳамда дўст-дўшманни таниб оломоқ қасдида маълум муддат Қултой қиёфасида юради. Бу ҳам Ҳакимбекнинг ори юксаклигидандир. Достонни ўқиб, гурурдан қалбигиз нурга, билагизиз кучга тўлади, Ватан учун сув келса симириб, тоғ келса кемиришга чоғланасиз.

Халқ достонларидаги бундай даъватлар, шубҳасиз, ҳар биримизни, айниқса, биз ёшларни жасур, меҳр-оқибатли, ор-номусли ва аждодларга муносиб авлод бўлишга чорлайди.

Дониёр САЛИЕВ,
ЎЗМУ талабаси

ОРИМИЗ — БОРИМИЗ БЎЛДИН

Кўзларни яшнатадиган ям-яшил боғлар пувиқор тоғлар тубидан сизиб чиққан чашмалар сувига қанчаллик эҳтиёж сезса, бизнинг маънавиятимиз, руҳан бардам ва баркамол бўлиб воёга етишимиз бой маданий, адабий меросимиздан қай даражада баҳрамдор бўлила олаётганимизга боғлиқ. Бу борада, айниқса, ўзбек халқ озаки ижоди дурдоналари беминнат мураббийи каби бизга тарбия беради. Халқ озаки дурдоналаридаги қўлаб етакчи мотивлар қаторида бутун биз ёшлар учун жуда зарур кадр-киммат — ор-номусини бандан тутишга даъват этувчи тамойиллар адабий меросимизнинг энг таъсирчан тоғларидандир. Бундай таъсирини на хориз адабиёти намуналарида, на интернет ёки бошқа воситаларда кузатамиз.

Чунончи, “Алпомиш” достонини кексаю эш бирдек севиб ўқийди. Асарнинг аввалидан охиригача ор-номус куйланади. Бир эсга олинг, ўн тўрт ёшга тўлиб, нордай кўпириб юрган Ҳакимбекча узоқ қалмоқлар юртига қўчиб кетган амакиларнинг сиқи Барчинойдан мактуб келади. Унда Барчинойдин қалмоқлар юртида таловш бўлаётгани, талабгорлар олти ой муҳлат берганини айтиб, мадад сўрайди. Мактубни ўқиган Ҳакимбек “Олти ойчалик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз, деб сандираб ўламизми?”, деб хатни тиззасига бостириб ўтиради. Буни кўрган синглиси Қалдиғоқ акасига қарата

шундай дейди:

Аха, айтган сўзим оғир олмагин,
Нар-мода ишнини бунда қилмагин,
Бу ишдан беҳабар бўлиб турмагин,
Сен бормасанг ёрнинг қалмоқ олади,
Барчин йиғлаб нима илож қилади?

Ўз эли қадри учун қон қуйдира-ётган синглиси Қалдиғоқдан бундай аччиқ гапларни эшитгандан кейин ҳам йўлга тушмаслик, ор-номус учун жон тикмаслик мумкинми? Энди Алпомиш қалмоқларнинг энг зўр паҳлавони Қўқалдош билан кураш тушаётганида Барчинойдин айтган сўзларига эътибор қилинг: Қизларнинг айтгани менга ботди,
Мардлар олишмайди, силтаб отади.
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади,
Бун одамнинг иши кейин кетади.

Севган ёрининг ҳақли таънаси-дан ори кўзиган Алпомиш рақибини силтаб отади. Аслида Барчинойдин Алпомишнинг Қўқалдошнинг енгишига шубҳа қилмаган эди. Фақат унинг рақиб билан бағирлашиб давра айланиб, мардларча курашмаётганидан ташвишланаётганди.

Достонда йигит ори билан боғлиқ яна бир лавҳа бор. Алпомиш зиндонда ётганида уни дўсти Қоражон қутқаргани келади. Энди Қоражон дўстининг халоскорига айланганига, Алпомишнинг эса зиндон азобидан озод бўлиб, қалмоқларнинг додини бериб, ўз ватанига ёруғ юз билан қайтишига имкон бор. Таассуфки, бунга бир нарса — гурур ҳалал беради: Қоражон арқонни зиндонга ташлайди, Алпо-

Ҳалима АҲМЕДОВА

ВАТАН ҲАҚИДА УЧ ШЕЪР

1. Боғларнинг юраги гуллаган,
Булутлар бахтиёр кўш мисол —
Учади,
Қавоти ичидан —
Заминга ризку рўз қоқди шамол
Ариқлар лабида тизилган
Ялдининг хаёли ям-яшил.
Бодомнинг қуртаги ичидан
Ишқ ичиб маст бўлиб чиқар дил
Қорачиқда мағрур ҳилширар —
Шодликнинг шўъла ранг байроғи.
Кўёи орзусига тўлади
Муаттар настаринг кучоғи.
Ой бахт туққан ойдан кечанда
Булоқлари бўлади ҳофиз
Хур бўласиз унинг олдида,
Бир зумгина хаёл сурсангиз...
... "Лоф урманг", деб устимдан қулманг,
Бегонами сизга бу сурур?!
Қаранг, ахир, яхшилаб қаранг,
Дунё кўзин қамаштирмақда
Тумариснинг тожидоғи нур.

2. Мен биламан,
Широқ най чалган,
Саратон тонгида,
Кўйларини ҳайдаб қирларга,
Балки тўрайларга куй чалиб берган...
Кенгликлар елкаси

Офтобда пишган дамда ҳам,
Меҳрини сув қилиб ичирган она ерларга,
Унинг чўпон таёғида
Қуёшнинг дастхати бўлган
Ҳайқириб ўқийман ўша ёзуви:
Ҳаёт бу — Ватандир, Ватан — бу ҳаёт.
Шу лаҳза унутиб барча кўркувни,
Бошим кўтараман мағрур
ҳамда шод
Ва дейман:
Бойлигу молу дунё деб
Ўзини ўзида адаштирганлар,
Хас ташлаб Ватаннинг кўзига,
Ғаниминг тўрига лаққа тушганлар
Қаранг, Широқ келяпти!
Қўлида чўпон таёғи...
Унда бор кўёшнинг мунаввар дастхати:
Ҳаёт бу — Ватандир, Ватан — бу ҳаёт.
Дилни энтиктирар унинг ҳайбати,
Мен пешовз чиқаман ҳар тонг Широққа,
Қалбим нур шақлига дўнар дафатан,
Илоҳий оятдай такрорлайман боз...
Ҳаёт бу — Ватандир, Ватан — бу ҳаёт.

3. Асли қишлоқданман,
Манглайини майса ўпган қишлоқдан.
У ерда дадам бор,
Ва яна онаминг қабри.
Баъзан кўзларимда сузиб юради
Соғинганим она қишлоқ осмонин абри.



Қушлар тилин ўрганолмадим,
Аммо ўрганганман соғинч тилин
жуда мукаммал.
Мен шеърлар ёзаман унинг тилида,
Юрагимни недир эзгани маҳал.
Кўнгироқ қилади баъзида дадам
Дейдики: Дадам тириклигин унутдингми ё,
Келай ҳам демаян, не бўлди сенга?
Ғафлатда қолмагин,
Эриб тугаётган бир шамман гўё.
Йнглайман,
Дадам овозини кучиб йнглайман:

Езганларим элнинг сараларини териб-териб
сотганларга лаянатим бўлсин!
Езганларим элнинг сараларини териб-териб
отганларга лаянатим бўлсин!
Езганларим элнинг кўзидан ўтини олган
истибдодаг лаянатим бўлсин!

1. Ай, юрта бало келди.
Юрта ёмон бало келди.
Юрта сотқинлик балоси келди.
Юрта хоинлик балоси келди.
Юрта чакимчилик балоси келди.
Бало дегани гуппа-гуппа келди, ҳўлу қуруққа
баб-баравар ўт қўйиб келди.
Кўшни кўшини сотар бўлди.
Шоғирд устозга хоинлик қилар бўлди.
Қўли калта қўли узуннинг кўзига чўп суқар
бўлди.
Жиян тогани чақар бўлди, ини оғани чақар
бўлди.
Бир киши чаққан одамга бир киши ҳўкми ўқир
бўлди, бир киши олиб бориб, турмага тикар
бўлди.
У бир киши, ажали етмаган бўлса, майиб-маж-
руҳ бўлиб, беш-ўн йилда турмадан чиқар бўлди.
Ажали етган бўлса, бир туққанинг тағида бир
иймонсиз пақиллатиб отди-ташлади. Бежаноза
кетаверди, бекафан кетаверди.
Мамлакат турмахона бўлди. Очқида юрган
одаминг сони турмадаги одамнинг сонига етай
деб қолди.
Турмадагиларнинг кўпи янги-янги турмахона
қуриш билан банд бўлди.

2. Ҳўлу қуруқ баб-баравар ёнғач, катта ёзувчи-
ман, катта шоирман дегани Сибирда юрган, Жа-
ласойнинг каладекина мактабида Навоийдан
дарс бериб юргич, кўринганга шеър айтиб юр-
гич Эшмурод шоир очқида қорас анови хоинлар,
анови сотқинлар, анови чакимчилик кечаси тинч
ўхлай олармиди? Ҳеч-да.

— Биздан шоир чикди, — деди
сотқин. — Оти? Оти Эшмурод. Эш-
мурод шоир. Ғаразли-ғаразли ёзади.
Шубҳали-шубҳали ёзади. Ҳўки, ўки,
сен ўки бер, мен эскичани ўқиймайман.
— Мундай-мундай ёзади, — деди чакимчи ва
ҳижжалаб-ҳижжалаб шеър ўқиди:
Эркинги бердинг, халқим,
Энди ғаминг ортади.
Елканга минган итлар
Тишлаб ҳар ён тортади.
— Ким ит? — столга муштлади қора камзул-
ли. — Кимни ит даяпсан, ярамас?
— Мен эмас, мен эмас, шоир ит дейди, —
қилиллади чакимчи. — Ана шу Эшмурод катта
оғамизди кучук дейди-да.
— Эшмурод шоиринга кўрсатиб қўяман итнинг
қанача бўлишини? — оғзидан кўпик сачратди
қора камзулли.

3. Эшмуродни ярим тунда судраб кетиши.
Хотини бўзлаб қолаверди, Эшмурод шоирнинг.
Уч боласи чирқиллаб қолаверди, Эшмурод
шоирнинг.
Саксонга борган онаси ерни муштлаб, қарғаб
қолаверди, Эшмурод шоирнинг.

4. — Чўпон деган мараз билан қандай алоқанг
бор, айт! — бақирди қора камзулли.
— У одамди танимайман, — деди ҳаммаёғи
моматалоқ бўлиб кетган Эшмурод. — Улай агар,
танимайман.
— Усмон Носир деган маслакдошингням та-
нимассан? — Эшмуроднинг юзига мушт солди
қора камзулли. — Униям кўрганим йўқ дersen?
— Ундай шоирлар Тошқонда бўса, мен бир
Жаласойдан чиқмаган одам бўсам, қаердан кўра-
ман у шоирларди? — деди Эшмурод юзидан
оққан қонни артиб.
— Танийсан, ҳаммасини танийсан! — эстиги бил-
ан Эшмуроднинг қорнига тепди қора камзулли.
Букчайиб-букчайиб қолди, Эшмурод.
— Бехўбиди билан учрашгансан! — Эшму-
роднинг елкасига тепди қора камзулли. — Ё
бундан ҳам тонасанми?
— Бурчакча учиб тушди, Эшмурод.
— Шахарда ўқиганимда бир-икки келиб эди
ўқув жойимизга, — деди қаддини зўрга кўтар-

ган Эшмурод. — Улар ким-у, мен ким? Улар
билан гаплашишга бизга йўл бўсин?
— Гаплашгансан! Ундан кўрсатмалар олиб тур-
гансан. Қанақа кўрсатмалар олиб турганингни
ёзиб берасан. Асл мақсадларинг нималигини
ёзиб берасан. Бўлмаса сен шоирчани турмада
чиритаман! — Эшмуродга стақанин отди қора
камзулли, кейин бир кўнгироқчани чалди.
Хонага бир навбатчи милиционер кирди.
— Бу бузғунчи шоирни олиб бориб, якка ка-
мерага тикинлар! Овқат берманлар! Маслак-
доши, устози, шериклари кимлигини айтмагун-
ча калтакланлар!

Навбатчи судраб кетди, Эшмуродни.
Орқасидан гижиниб қараб қолган қора кам-
зулли алам билан Эшмурод шоирнинг сатрини
такрорлади:
— Елканга минган итлар
Тишлаб ҳар ён тортади...
Қора камзулли жойига ўтирар экан, тишлари
— тишлаб ҳар ён тортиш мана оунақа оула-
ди, шоир, мана бунақа бўлади!

5. Ай, таёқ билан одам ўлмас экан!
Урган билан одам одам ўлмас экан!
Ким нима деса десин, аммо очликдан ҳам одам
ўлмас экан!
Ўлса, Эшмурод ўларди!
Шунча таёқ еса эшшак ўларди, шу таёқнинг
ярмини еса ҳўкиз ўларди, аммо Эшмурод ўлмади.
Шунча кун овқат емаса, сув ичмаса туя ўлар-
ди, фил ўларди, аммо Эшмурод ўлмади.
"Одамнинг жони тошдан қаттиқ бўлади", де-
ганлари чин экан-да. Тошдан жони қаттиқ бўлди,
Эшмуроднинг.
Уравериб, чардади, назоратчилар.
Уравериб, қўллари оғриб кетди, назоратчи-
ларнинг.
Ургилари келмай ҳам қолди, назоратчиларнинг.
Аммо бу Эшмурод шоир деганлари ўр бўлса,
қайсар бўлса нима қўлсин, бечора на-
зоратчилар ҳам.

— Ҳўжайин айтган гапларни ёз-да,
қўл қўйиб бер! Сен ҳам қутил, биз ҳам
сендан қутилайлик, шоир, жонга те-
ми.
— Эшмуроднинг орқасига теп-
ди биринчи назоратчи.
— Шоир кўриб, сендай ўрини кўрганим йўқ!
— Эшмуроднинг кўксига муштлади иккинчи на-
зоратчи. — Ана катталаринг, Али Шарафий,
ҳўжайин ўргатгандек қилиб ёзиб, қўл қўйиб бер-
дио, чикди-кетди. Тўртта шоир билан битта га-
зета муҳарририни фоти қилиб берди, улар қамал-
ди, бўлди. Ўзи ҳозир мазза қилиб хотинчаси,
бола-чақасининг олдида юрибди.
— Сен ҳам ҳўжайин айтганларни ёзиб бериб,
мазза қилиб уйингда юрмайсанми, аҳмоқ? — яна
Эшмуродни тепди биринчи назоратчи. — "Айтган-
ларимга кўнсанг, ишлаб турган мактабингда дирек-
тор қилиб қўяман", деяпти-ку ҳўжайин, галваро!
— Менга директорлик керак эмас, — деди
Эшмурод. — Директоримиз яхши одам. У
ҳўжайинингиз айтгандек бузғунчи эмас.
— "Бузғунчи деб ёз!" дедими ёзасан! — деди
тишланиб иккинчи назоратчи. — Ёзмаганингда
қўймайми!

Улар яна тепкилашди, Эшмурод шоирни.
Йиқилиб, ғужанак бўлиб қолди, Эшмурод шоир.
— Бўлди, ўлиб қолмасин! — деди биринчи
назоратчи.
— Булар ўлмади, шоирларнинг жони қаттиқ
бўлади, — деди иккинчи назоратчи. — Майли,
юр, мен ҳам чарчадим, бироз дам олайлик!
6. — Айтинлар, уйига хат ёзсин! — деди қора
камзулли. — Қари онаси, хотини ва болалари
келсин! Уларни кўргач, "Агар айтилганларни
ёзиб, қўл қўйиб бермасанг, хотинингни олиб
қоламиз, бир кеча биз билан қолади", денглар!
Шундан кейин ҳам ёзиб бермаса, ўзидан кўрсин,
Тошқонга жўнатиб юборамиз!
7. Эшмуроднинг хотини хат олди.
"Сизларни соғиндим. Болаларни соғиндим.
Энамни соғиндим. Худо буларга инсоф берди,
шекилли, "Сенга рухсат, хотининг, энанг, боло-
ларинг кўргани келса, майли", дейишяпти.
Менга ул-бул кўтариб келиб, овора бўлманлар!
Жуда бир нарсали келгинг келса, бир чуқум-

гина палов қилиб кел, аяси, сен қиладиган зи-
ғир ёғли паловдан егим келган. Бу ерга келган-
нимдан бери овқат беришмайди. Бир кунда бир
стақан сув, бир тўғрам бўлка нон беришди, хо-
лос. Баъзи кунлари шуним бермай қўйишди.
Нимагадир уч-тўрт кундан бери кўзимга товоқ-
даги зиғир ёғли палов кўринади".

8. Ором қолдимми, Эшмуроднинг хотинида?
Ҳаловат қолдимми, Эшмуроднинг хотинида?
Энди нима қилсин? Уйда на гўшт бор, на зи-
ғир ёғи.
Аммо палов қилиб бормаса бўлмайди турма-
хонага, эри "зиғир ёғли палов егим келган", деб
ёзибди-да.
Ай, қуриб кетсин йўқчилик. Соттулик бир нарсаси
қўлига илинмайди. Аммо палов қилиб бормаса
бўлмайди турмахонага, эри "келганимдан бери
овқат беришмайди", деб ёзибди-да.
Бировдан чорак килогина гўштга пул сўрашга
палов қилиб бормаса бўлмайди турмахонага, эри
"уч-тўрт кундан бери кўзимга товоқдаги зиғир
ёғли палов кўринади", деб ёзибди-да.

КАРИМБЕРДИ ТЎРАМУРОД ПАЛОВ

Меҳмон келганда соладиган бир кўрпасини
елкалади Эшмуроднинг хотини. "Энди бизниқига
келадиган меҳмон қани?" деди.
— Дадасини кўргани борадиган бўлиб қол-
дик. Укангизга бир товоққина ош қилиб бор-
сам дедим. Пулимиз йўқ эди. Шуни олинг,
озроқ гўшт беринг, илтимос! Худо хайрингизни
берсин!
Қассоб кўрпани ёзиб кўрди. Қассоб кўрпани
ағдариб кўрди. Қассоб кўрпани қатлаб, қассоб-
хона ичидоғи таҳмонга тикди.
Эшмуроднинг хотинининг олдида тарозига қўйиб
ҳам ўтирмадан муштдек гўшт ташлади, қассоб.
Гўштни ёнги ичига солди, Эшмуроднинг хо-
тини:
— Раҳмат! Болаларингизнинг роҳатини кўрин!
Эшмуроднинг хотини кетгач, қассоб кўрпани
олиб, яна бир кўздан кечирди. Яна жойига йи-
ғиб қўйгач, ёнидаги кишига деди:
— Кўп бермадимми, ишқилиб? Нима дедингиз?
— Ҳай, аттанг, оғир кунга қопти Эшмурод ма-
лимди оиласи, қассоб, ёмон кунга қопти, — деди
у одам бош чайқаб. — Ҳаммамизди боламизди
ўқитгичиди, муштдай гўшни шундай бериб
юборсангиз ҳам бўларди. Худо билади, уйда
бошқа кўрпаси борми, йўқми?
— Мени айбим нима? — деди қассоб. —
Шундай бериб юбораверсам, нима кўп, бунга
ўшаган оч кўп, қамалганди боласи кўп. Қайси
бирига етказаман буларди? Ҳалиям жон десин,
эски бир кўрпаси учун бир ошлик гўшт бердим.
Энди кўрпа буларга керак бўмайди. Маллим
кетдимми, қолганиниям тортади. Уруғ-аймоғи
қуриydi энди, маллимди.
— Тавба денг-а, тавба денг! — ундан узоқ-
лашди халиги одам.
Эшмуроднинг хотини келинлигидан бери қий-
маган, "Болаларинг тўйини қилганда қияман",
деб асраб қўйган бир атлас қўйлагини рўмолга
ўраб, жувозчиникига чиқди.
Жувозкашинг хотинига халиги қўйлақни тутди.
— Айланай, қўшни, қизингиз қияр, келин ол-
сангиз асқотар, шуни олиб, эрингизга айтинг,
ярим косагина зиғир ёғ берсин. Дадасини кўриш-
га рухсат теккан экан, бир товоққина ош қилиб
борай дедим. Ўзингиз биласиз, пулимиз йўқ.
Илоё, дунё тургунча туринг!
Жувозкашинг хотини қўйлак билан косани
кўтариб, жувозхонага кириб кетди.
Жувозкашинг хотини қўйлак билан косани
кўтариб, жувозхонадан чиқиб келди.
Коса тўла ёғ бўлди.
— "Маллимди хизмати кўп, бир коса ёғ от
билан тўя бўлтими?" деди эрим. Қўйлагингизни
ҳам олиб кетаркансиз. "Қўйлақни Эшмурод
оқланиб келганда қияди", деди эрим.
Кўзлари тўла ёш бўлди, Эшмуроднинг
хотинининг.

Тиллари тўла дуо бўлди, Эшмуроднинг хо-
тинининг.
— Биздан қайтмаса, Худодан қайтсин!
9.

Эшмуроднинг хотини Эшмуроднинг онасини ва
учта боласини эргаштириб, турмахонага келди.
Уч эшиқдан ўтишди. Уч эшиқнинг ҳам катта-
катта қулфларини очиб, буларни киргизишиб,
орқаларидан яна катта-катта қулфларни қулфлаб
қўйишди.
Панжараларнинг орасидан олиб ўтишиб,
панжарали бир нимқоронгу хонага киритишди.
Бошларидан туриб турди, бир назоратчи.
Панжаранинг нариги тарафидан Эшмуродни
олиб келди, бошқа назоратчи.
Қўллар отага талпинди. Кошки қўллар отага
етса!
Қўллар болаларга талпинди. Кошки қўллар
болаларга етса!
Қўллар панжарадан узанди.

Панжара узра термулишдилар.
Панжара узра сўрашдилар.
— Узингни олдириб қўйибсан, — пиқилла-
ди Эшмуроднинг онаси. — Қишлоққа борсанг
одамлар танимайди.
— Дадаси, ош қилиб келувдим,
сиз яхши кўрган зиғир ёғидан
солганман. Совумасдан еб оласиз-
ми? — устига битта патир ёпилган
товоқни дастурхони билан узатди
Эшмуроднинг хотини.
— Мумкин эмас! — товоқни олиб
қўйди иккинчи назоратчи.
Зиғир ёғли паловнинг хиди гуп-
пиллаб турган товоққа қараб бир
ютиниб, бир тамшаниб, лабини бир
ялаб қўйди Эшмурод.
Ҳақсизликнинг, ҳўқуқсизликнинг
шунчалар бўлиши ҳам мумкинли-
гини кўриб, кўзлари ёшланиб кетди Эшмурод-
нинг хотинининг.
— Учрашув тугагач, киритиб берамиз, хона-
сида ейди, — деди биринчи назоратчи.
Ярим соат дегани бирпасда ўтди-кетди.
Эшмурод қишлоқдаги гапларни сўрашга ул-
гуролмади, панжара ортидагилар Эшмуроднинг
гуноҳи нима эканини билишга улгуролмади.
— Вақт тугади! — деди биринчи назоратчи.
— Маҳбус, учрашув хонасини тарк этинг! —
деди иккинчи назоратчи.

Яна қатор-қатор эшикларни очиб-қулфлаб,
Эшмуроднинг яқинларини олиб чиқаришди.
Яна қатор-қатор эшикларни очиб-қулфлаб,
Эшмуродни бошлиқнинг хонасига олиб киришди.
10.
— Уйимдагилар кетди, деб ўйласанг, хато
қилсан, — деди қора камзулли. — Тўғри, энанг
болаларингни олиб кетди. Аммо хотининг қолди.
Ишонмасанг, ана, деразадан бир қараб қўй!
Биринчи назоратчи Эшмуродни дераза ёнига
олиб келди.
Фарёда уриб кетаётган онасини кўрди, Эш-
мурод.

Ортларига қараб-қараб, йнглаб-йнглаб кета-
ётган болаларини кўрди, Эшмурод.
Уларнинг орасида хотинини кўрмади, Эшмурод.
— Номардлар! — бир юлқинди Эшмурод.
Бир уриб, уни ерга ағдарди, иккинчи назоратчи.
— Биз ҳали номард бўлдикми? Икки ойдан
бери бир энлик қорозга кўл қўймаётган сен
аҳмоқ мард бўлдинг-у, биз номард бўлдикми?
— Эшмуроднинг оёқлари орасига тепди қора
камзулли. — Номардликни ана энди кўрасан!
Мен айтган гапларни ўзинг ёзиб, ўзинг қўл
қўйиб берасан! Бўлмаса, хотинингни манави
қоплонларнинг ҳар бири сенинг кўз олдингда
хотин қилишди. Шундаям ёзмасанг, эртага
қизингням олиб қоламан. Ундан ошганга
ўшайди ёши-а? Тўрт қатор нарсани ёзиб, қўл
қўйиш хотининг ва қизингнинг номусидан
қиммат турса, ўрлик қилиб ётавер! Кўзимдан
йўқотинлар, бу маразини!
Икки назоратчи Эшмуродни судраб бориб,
камерасига тикишди.
— Яхшилаб яна бир ўйлаб кўр, ҳўжайин айт-
ган гапларни! — деди биринчи назоратчи.
— Биз буйруқни бажарувчи одамлармиз, биз-
дан хафа бўлма! — деди иккинчи назоратчи. —

Бизга фарқи йўқ, шоирнинг хотинини, олимнинг
хотинини. Не-не катталарнинг хотинларини, не-
не катталарнинг қизларини эрлари ёки ота-
ларининг олдида расво қилганми, ошна. Исод-
ни кўтара олмай, ўзларини осиб қўйгани нечта.
Ўйлаб кўр, шоир, ўйлаб кўр!

11. Назоратчилар Эшмуроднинг камераси рўпа-
расига стул қўйиб ўтиришди.
Улар нима дейишяптганини эшитиб ётди,
Эшмурод.
— Паловни нима қилдинг, хумпар?
— Совумасин деб ўраб қўйибман, олиб ке-
лайми?
— Сўраб ўтирасанми, тезроқ олиб кел! Ҳали,
шоир бола-чақаси билан гаплашиб бўлгунча
ўлиб қолай дедим, ҳиди димоғимни қитқилаб
ташлади.
— Ҳа, мен ҳам хидига тоқат қилолмай, учра-
шув вақтининг ярни тугамай туриб, "Учрашув вақти
қирғин" дедим, — деди биринчи назоратчи.
— Бўлди, кўп гапирмай, паловни олиб кел,
совуб кетмасин!
Биринчи назоратчи тугунни олиб келиб очди.
Иккинчи назоратчи патирни ушатди.

— Аммо шоирнинг хотини па-
тирни ҳам боғлар экан-а? — деди
у патирини бир бўлганини оғзига
солиб.
— Э, паловни ўлдирар экан,
паловни. Қани, бошласинлар-чи?
— деди биринчи назоратчи.
Мактай-мақтай патирни едилар,
назоратчилар.
Билақларигача зиғир ёғни
оқизиб-оқизиб, паловни едилар,
назоратчилар.
Тамшаниб-тамшаниб ётди,
Эшмурод.
Ютиниб-ютиниб ётди,

Эшмурод.
— Бай-бай-бай, умрим бино бўлиб бундай
ширин ошни емаганман, — деди биринчи
назоратчи.
— Бу, шоирнинг хотинини олиб бориб, ян-
ганга ош қилишни ўргатсамми-а? — деди
иккинчи назоратчи пиқиллаб қулиб.
— Энди-и, олиб бориб, нимани ўргатасиз,
нима ишингизни қилдирасиз, сизнинг ихтиёрин-
гизда, — хиринглади биринчи назоратчи.
Иккаласи хо-ҳолаб қулишди.
Тишларини гижирлатиб-тишларини гижирла-
тиб ётди, Эшмурод.
Ниҳоят, ўрнидан туриб, эшикка яқин келди,
Эшмурод.
— Қоғоз беринглар, қалам беринглар!
— Шоир бир нима дедими? — деди биринчи
назоратчи.
— Ингради, шекилли, бир жойи оғриётган-
дир? — деди иккинчи назоратчи. — Ошни
туғатиб қўйлик, кейин хабар оларсан! Унганча
шоирнинг ўлиб қолмайди.

— Ҳа, у ўлмайди, шоирнинг жони қаттиқ.
Бечора назоратчилар ана оч қолишган экан,
ошни қолдирмай еб, товоқдаги зиғир ёғнинг
қўқини ҳам ялаб-қолқаб қўйишди. Патир шўрлик-
дан ҳам урвоқ қолмади.
Кекириб-кекириб қўйди, назоратчилар.
Керишиб-керишиб олди, назоратчилар.
Сочлари сариқ, кўзлари қўқий эди назорат-
чиларнинг.
— Аммо зиғир ёғли палов роса одамга куч
берар эканми? — деди биринчи назоратчи. —
Ўзимни доимгидан ҳам қучли, шижоатли ҳис
қилаяман.
— Мен ҳам анчадан бери бундай кучли ов-
қат емаган эканман, кучим билагимга сигмай
кетаяпти, сен идишларни йиғиштириб ол, мен
энди бу кучни бирор жойга сарф қилмасам
бўлмайди, — деди ўрнидан турган иккинчи
назоратчи. — Бориб, шоирни беш олти мушт
урмасам бўлмайдиганга ўшайди. Зиғир ёғли
ошдан кейин одамнинг қўли ҳам бошқача
кичир экан.

Биринчи назоратчи кула-қула, идиш-товоқни
йиғиштиришга тушди.
12. Иккинчи назоратчи энгини шимариб,
Эшмурод ётган камера эшигини очди...



Қайта туғиларин Ўзбекистонда!
Қайта туғиларин Ўзбекистонда!

Барглар синқоради осмон кўнглини,
Шафқат хайлини бузар шаббода.
Булутнинг сояси тушган йўлларда —
Ҳануз кетаялман пойи пиёда.

Шамол қуй басталар, дарахт қуйлайди,
Тинглайман. Тинглайман бари ноладдай.
Ҳовлиқиб тўрт томон алавлар қуёш —
Болалар уйдан қочган боладай.

Тизгинсиз бораман, изсиз бораман,
Олиса сароблар порлайди сим-сим.
Мен бахт ахтараман, бахтсиз дунёдан —
То ҳануз билмайман излаганим ким!

Ҳаёт қулоғига хуш келавермас —
Чарчаган, қариган, ҳиссиз овозим.
Жисминга жуда ҳам, жуда тор келар,
Мапраннинг оҳидан тиккан либосим.

На бир туш эдимман, на ҳақ хаёли,
Фақат қалбим эди ям-яшил дарё
Тўрт томон қаблага менгазайди бутун,
Бутун ўзим мажнун, ўзимман саҳро.

...Орзу соҳилда қачондир менга
Йнгладинг, Жилмайдинг, нимадир дединг.
Узилиб тушаётган баргдек титрайман.
Наҳотки, наҳотки ўша сен эдинг?!



Беҳзод ақлини танингандан бошлаб оддий лойдан бежирим кўзалар ясайдиган отаси — Қутбиддин Турдиевнинг кўла ҳаракатларига ҳайрат билан боқарди. Бармоқларини лойга уриб, илак бор буюм ясаганида ўқитувчилари ҳам унинг бу ноаниқ соҳага майли кучли, ўзи ўқувчи эканини пайқашган эди. Оила муҳитида истеъдодли шакланган Беҳзод мактабини тугатгач, Андижон санъат коллежида таълим олди. 2011 йили коллежни битириш арафасида эса республика «Анъанавий ва амалий санъат» танловида ғолибликни кўлга киритди. Шундан сўнг бир вақтлар отаси ҳам таҳсил олган Камолдин Беҳзод номлидаги Миллий расмомлик ва дизайн институтига ўқишга кирди.

АСАРЛАРГА КЎЧГАН ОРЗУЛАР

«Болалигимдан кулолчиликка меҳр кўйиб улгайганим учун касб танлашим осон кечди, — дейди ёш кулол. — Уйимизга маҳалламизда яшовчи уста кулол Фахриддин ака Матхолоқов тез-тез келиб турар, отам каби ўз маслаҳатлари билан хунарни чуқурроқ эгаллашимга кўмаклашарди. Институтда эса Фарход Тошмухаммедов ва Комил Сиддиқов каби устозларимдан кулолчилик сирасорларини ўрганаётиман».

Танлаган касбига бўлган астойдил меҳр-муҳаббати Беҳзоднинг ютуқларига омил бўлди. Ўтган йили «Навқирон Ўзбекистон» фестивалида қатнашиб, сертификат билан тақдирланди. «Уйғонган куртаклар» кўргазмасида муваффақиятли қатнашган, халқаро Маданият карвонсаройида «Қалб сийрати» номли шахсий кўргазмасини намойиш этишга муваффақ бўлди. Мазкур кўргазма ўзбек кулолчилигига яна бир истеъдод кириб келганидан далolat берди.

Унинг замонавий деталлар, бежирим унсурлар билан безалган ишларида миллий анъаналар нафаси уфуриб туради. Буюм лой ҳолатида эканида унинг қандай шакл олиши у қадар аниқ бўлмайди. Негаки, аланга оташидан қизиб тайёр бўлар маҳали чил-чил синиши, тандирдан узилган кулчадек қизариб чиқиши ҳам мумкин. Бу жараён кулолнинг сабрини синайди. Беҳзоднинг ижод маҳсулларини кузатиб, унинг назокатид эгаси эканига, сезгир бармоқларидан лойдан ҳар қандай буюмни гиндан ташкил ардоқлайман, — дейди Беҳзод. — Бировга қанчалик меҳр берсам, ўзим ясаган буюмга ҳам шунчалик қаттиқ боғлиб қоламан. Ҳар бир ишимнинг ҳаётида ўз ўрни бор. Вақт ўтган сари ортга қараб, халқларини топаман, янгиликка инти-

ламан, бир хилликдан қочаман».

Беҳзоднинг ижод маҳсулларида миллийлик ва замонавийлик, тарих ва бугун уйғунлиқда акс этган. «Бешик» ва «Бешик-2» деб номлан-

Истиқлол фарзандлари

ган ишларида айнан шу хусусият ўз аксини топган. «Янги ой» деб номланган кўзага эса мовий осмон, янги сузиб чиққан ой ва сайёралар тасвири тушурилган. Кўзани безаш жараёнида сайёраларнинг марваридлар орқали бежирим ифодаланиши таъсирчанликни янада оширган. «Ҳаёт жилвалари» асари абстракционизм намунаси. Унда кўзни кувнатадиган, ўзига мафтун этадиган ҳар хил ранглар орқали ҳаёт жилвалари ўз аксини топган.

Нақошлару каштадўзалар шарқ халқларида кўп учрайдиган, давомийликни билдирувчи бодом гулига тез-тез мурожаат этишади. Беҳзод ҳам лойдан ишлаган асарини бодом гуллари ва туморлар билан безаб, шу анъанани давом эттирди! Кулолнинг «Афросиёб» композицияси (туркум буюмлар)да яшил ва оқ ранглардан ишлаган асарини кўзга ташкил берди. «Афросиёб» композицияси (туркум буюмлар)да яшил ва оқ ранглардан ишлаган асарини кўзга ташкил берди. «Афросиёб» композицияси (туркум буюмлар)да яшил ва оқ ранглардан ишлаган асарини кўзга ташкил берди.

ов жараёнларига доир суратлар, кийиклар, шохдор бугулар, қушлар, ўсимликлар билан бойитяпти. «Тарихдан садо» асари анор гуллари, тоғ эчкиси, тустовуқ ва турли синик чизикли нақшлар билан безатилган, обдон оловда қиздирилган ҳумлар ва лагандан ташкил топган. Уларга боқиб айна кунларда яратилганига ишонмайди одам. Гўё бу буюмлар музейларда неча асрлардан



бери сакланиб келаётгандек. Бунга эришиш учун кўп куч ва вақт сарфлангани аниқ, албатта.

Беҳзод Турдиев қадимги битиктошлардаги ёзувларни турфа буюмларда тасвирлаб, томошабинларда уларга қизиқиш уйғотишни ҳам кўнглига тугиб ишлар қилмоқда. «Бу борада олимлар билан ҳамкорликда ишлаб, йўлаган максалимман, ҳаётида кулолчи бўлиш. Агар шу усулда ишлаган асарларим мухлисларга манзур бўлса, бахтиёр бўлардим...»



Мехригёх БОЗОРОВА

Ортиқ Файзуллаев, Ўзбекистон халқ устаси:



— Халқ амалий санъати бугун миллий маданиятимизнинг етакчи соҳаларидан бирига айланган. Буни нафақат мен, балки хориждан ташриф буюраётган мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан кўплаб қадимий қад-

Мухаммадсоли Юсупов, Ўзбекистон халқ артисти:

— «Эътироф» мукофотини топшириш маросимида иштирок этган барча ижодкорлар қаторида мен ҳам қаттиқ ҳаяжонландим. Айниқса, «Йилнинг энг яхши театр актери» номинациясида «Эътироф» мукофотига сазовор бўлганимни эшитганимда, қалбимда кечган туйғуларни сўз билан ифодалаш қийин. Сахнага совринни олиш олар



риятларимиз қаторида халқ амалий санъатининг кўна анъаналари ҳам қайта тикланди. Мамлакатимизда соҳа ривожига катта эътибор қаратилмоқда. «Йилнинг энг мохир амалий санъат устаси» йўналишида «Эътироф» мукофотига сазовор бўлганим мени қувонтирди. Ушбу совринни нафақат менга, балки мамлакатимиздаги барча амалий санъат усталарига берилган юксак баҳо сифатида қабул қилдим. Эндиликда устоз мактабига эришган ижодкор сифатида ўз билим ва тажрибаларимни ёшларга ўргатишни асосий бурчим деб биламан.

эканман, минглаб мухлисларнинг олқиши менга қанот бағишлади. Зеро, ўз юртингда, бунинг устига мухлислар қаршисида «Эътироф»га сазовор бўлиш катта бахт.

Мазкур совринни ижодий фаолиятимдаги энг катта ютуқлардан бири деб биламан. Ҳозир Фаргона вилоят музыкали драма театрида ижодимни давом эттирмоқдаман. Шу кунга қадар театр сахнасида эллиқдан ортиқ ролларни ижро этдим. Улар орасида миллий ва жаҳон драматургиясининг мумтоз асарлари қаҳрамонлари ҳам бор. Бироқ шу билан кифояланб қолиш ниятида эмасман. Бугунги кунда ижодий жамоамиз сахнада замон қаҳрамони яратиб йўлида фаол ишланмоқда. Албатта, мен ҳам бу борада ўз маҳоратим ва истеъдодимни намойиш этаман.

«КЎҲИ ҚОҲ ШАҲЗОДАСИ» ҒОЛИБ

Хабарингиз бор, шу йилнинг июн ойида «Осиё дostonчилик санъати» кўмитаси ташаббуси билан «Эртақ, афсона ва эпослар сценарийлари халқаро танлови» эълон қилинганди. Халқ оғзаки ижоди намуналарини асраб-авайлаш, тарғиб қилиш мақсадида анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган ушбу анжуманда бу йил ҳам турли хорижий мамлакатлардан кўплаб ижодкорлар қатнашди. Яқинда Кореянинг Кванджу шаҳрида халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танлов ҳайъатининг ҳулосасига кўра ўзбекистонлик Мухаббат Йўлдошевнинг «Алпомиш» дostonи асосида яратилган «Кўҳи қоҳ шаҳзодаси» номли сценарийси бош соврин — Гран-прига сазовор бўлди. Шунингдек, Мария Абдиеваннинг «Икки қалб» (Қозоғистон), Мария Наумованинг «Она кийик» (Қирғизистон), Садр Умарнинг «Жамбул-Мастон» (Тожикистон), Алёна Кимнинг «Бир даррахт тарихи» (Россия), Алла Грицайнинг «Қўлбонлик» (Украина) асарлари ҳам топилди. Танлов низомига мувофиқ бош соврин соҳибига икки миллион вон миқдориде мукофот берилди.

Назокат АХМЕДОВА

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Табият ва расом» мавзудидаги анъанавий кўргазма очилди. Бу йил ий-гирма саккизинчи бор ўтказилаётган ушбу намойишда юртимиз манзарачи расомларининг рангташвир, графика ва ҳайкалтарошлик йўналишларидаги уч юздан ортиқ асарлари ўрин ол-

Тадбир доирасида Ўзбекистон халқ расоми Евгений Мельников таваллудининг 85 йиллигига бағишланган хотира кўргазмаси

Кўргазма залларида

очилди. Унда расомнинг ҳали мухлисларга маълум бўлмаган

«ТАБИАТ ВА РАССОМ»

ган. Мухлислар кўргазма давомида А.Мирсоатов, Х.Мирзахмедов, М.Тошмуродов, В.Трошина, М.Содиқов каби таниқли расомлар билан бир қаторда ёш мўйқалам соҳибларининг ижодий ишларига ҳам баҳо бериши мумкин.



турли мавзудаги картиналари намойиш этилди. Бундан ташқари, тадбирда «Санъат» журнали ташкил этилганга ўн беш йил тўлиши муносабати билан тахририятнинг энг фаол ходимлари ва муаллифларига эсдалик совгалари топширилди. Шунингдек, академиянинг энг яхши вилоят бўлимлари ва ўқув масканлари раҳбарлари ҳамда тасвирий санъат усталарининг ижодини ёритишда фаоллик кўрсатган матбуот ходимлари Бадий академиянинг фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Таниқ-сидеги кўшиқлар байрам тадбирига фойза бағишланди.

Сарвара ҚОСИМОВА, А.ПОПОВ олган сурат


«ДИЛХУШ НАВОЛАР»

Истиқлол йилларида таълим-тарбия ишларини, хусусан, санъат ва маданият таълимини янада жонлантириш, соҳа мутахассисларини ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, соҳани ўқув кўлланмалари ва дарсликлар билан таъминлаш борасида мутахассислар томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Моҳир санъаткор ва устоз педагог Насиба Содикованинг «Дилхуш наволар» ўқув кўлланмаси фикримиз далилидир. Мазкур кўлланмага киририлган асарлар муаллифининг шоғирларидан ташкил топган, халқаро ва республика танловлари совриндорли «Истеъдод» дуторчи қизлар

ансамбли томонидан ижро этилган. Китобдан ўзбек халқ куйлари билан бирга дунё халқлари ва жаҳон классик композиторларининг сара асарлари ҳам ўрин олган.

Дунёвий ҳамроҳ



Дутор оиласига мансуб созларнинг ҳаммаси ансамбл таркибига киргани ва қатор урма чолгулар билан бойитилгани кўлланманинг муҳим жиҳатларидан биридир. Ижорчиларга қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир асарга қисқача шарҳ, асар муаллифи ҳақида маълумот, куй талқини ҳақида тушунча берилган.

Ўқув кўлланма олий ва ўрта махсус маданият ва санъат билим юртлари, мусиқа мактаблари талабаларига мўлжалланган.

Фазилат ФАЙЗ

БОЛАЛАР ВА АТРОФ-МУҲИТ

Болалар табиат манзараларини чизиб орқали ўзларининг она табиятга меҳр-муҳаббатларини ифодалайдилар, озодлаш, саришталликни сақлаш қанчалик муҳим эканини тушуниб етдилар. Кунин кеча Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, «Chinog ENK» экологик ноширлик компанияси иштирокида Миллий матбуот марказида ўтказилган «Қадрдон шах-

рим экологияси — 2013» болалар расмлари кўрик-танлови ҳам она табиятни асрашга бағишланди. Танлов

зайнери, бастакорлар, журналистлар ва бошқа соҳа вакиллardan ташкил топган ҳакамлар ҳайъати беш ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг 140 га яқин асарларидан энг яхшиларини танлаб олди. Расмлар хилма-хил усулда ва турли ашёлар — акварел бўёқлари, бўр бўлақлари, рангли қаламлардан фойдаланган ҳолда яратилган. Болажонларнинг майда деталлардан моҳирона фойдаланиб

Ўз мухбиримиз.

«Олтин глобус — 2014»

«Олтин глобус» танловини мухлисларга таништиришнинг ҳождати йўқ. «Оскар», «Олтин пальма» каби нуфузли мукофотлар билан бир қаторда эътироф этилувчи ушбу соврин барча кино ижодкорларининг орзусига айланган. Яқинда етмиш биринчи бор ўтказиладиган танловнинг навбатдаги номзодлари эълон қилинди. Унга кўра Стив Маккуиннинг «Ўн икки йил



қулликда» фильми еттига номинацияда бош мукофотга даъвогарлик қилади. Улар орасида «Энг яхши драматик фильм», «Энг яхши режиссура», «Энг яхши сценарий муаллифи» каби йўналишлар бор. Бу борада Маккуини картинаси билан «Гравитация» ҳамда «Капитан Филлипс» фильмларининг муаллифлари рақобатлаши тахмин қилинмоқда. Ҳар иккала картина тўрт йўналишда «Олтин глобус» совринига сазовор бўлиши мумкин.

«Энг яхши комедик асар» йўналишида бош совринга «Америкача фириб», «Небраска», «Уолл-стритлик бўри» каби фильмлар номзоди кўрсатилган. «Энг яхши режиссёрлик иши» йўналишида Альфонсо Куарон, Александр Пэйн, Дэвид Расселл, Пол Гринграсс каби ижодкорлар беллашади. Актёрлик йўналишидаги совринларга даъвогарлар ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Сабаби, улар

Етти ранг

орасида Сандра Баллок, Кейт Уинслет, Том Хэнкс, Леонардо ди Каприо, Кристиан Бейл, Хоакин Феникс каби машҳур Голливуд юлдузларини учратиш мумкин. Эслатиб ўтамиз, етмиш биринчи «Олтин глобус» мукофоти ғолиблари 2014 йилнинг 12 январ куни эълон қилинади.

«The Beatles» нинг янги тўплами

Жаҳон эстрада тарихидаги энг машҳур жамоалардан бири сифатида шухрат қозонган «The Beatles» гуруҳининг ижоди ҳамон мухлислар орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда «Apple Records» овоз ёзиш компанияси машҳур гуруҳга тегшли янги альбом тақдимотини ўтказди.

Ушбу тўплам «The Beatles»нинг мухлислар орасида машҳур бўлган кўшиқларидан тузилган деб ўйлангангиз адашасиз. Сабаби, уларнинг аксарияти ҳали расман эълон қилинмаган. Тўпламдан ўрин олган эллиқ тўққизта кўшиқнинг салмоқли қисми 1963 йилда яратилган. Бироқ баъзи сабаблар туфайли гуруҳ репертуарига киритилмаган. Албатта, янги тўпламда «The Beatles»нинг айрим машҳур тароналарига ҳам жой ажратилган. Улар орасида «A Taste of Honey», «She Loves You» каби кўшиқларни кўрсатиш мумкин. Тўпламнинг ноёблиги шундаки, ундан ўрин олган деярли барча кўшиқлар жонли ижрода эълан бўлиб олинган.

Бондарчук «Оскар»га муносаб эмас

2013 йилнинг энг шов-шувли филмларидан бири — Федор Бондарчукнинг «Сталинград» тарихий драмаси «Оскар» мукофотига номзодлар қаторидан жой олмади. Рус ижодкорлари томонидан биринчи маротаба «IMAX 3D» форматида яратилган ушбу филм намойиши катта даромад келтирган бўлса-да, нуфузли танловда иштирок этиш учун муносаб эмаслиги маълум бўлди.

«Оскар»нинг хориж тилидаги энг яхши фильм номинациясига тавсия этилган «Сталинград» фильми дастлабки саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтди. Бироқ сўнгги овоз бериш натижаларига кўра филм асосий даъвогарлар сафидан жой олиши учун етарли овоз тўплай олмади. Мутахассислар фикрича, «Сталинград» «Оскар»нинг илгари сурилган асосий талабларга тўлиқ жавоб бермаган.

Айни пайтда бошқа хориж кино усталари мукофот учун курашни давом эттиришмоқда. Сўнгги саралаш босқичи учун йигирмата филм саралаб олинди. Улар орасида камбоджалик Рити Панханинг «Ов», даниялик Томас Винтербернинг «Икки умр», германиялик Георг Мааснинг «Буюк уста», белгиялик Феликс ван Гроенгеннинг «Епиқ доира» каби фильмлари бор. «Оскар»нинг асосий танловида

иштирок этадиган сўнгги бешта филм номи 2014 йилнинг 16 январиде эълон қилинади.

Жеффрининг омади келди

АҚШнинг Пенсильвания штатида истикомат қилувчи ёш санъат ихлосманди Жеффри Гонано Пабло Пикассо қаламига мансуб машҳур картиналардан бирини бор-йўғи юз евро эвазига кўлга киритди. «Жеффри бу ишни қандай қилиб урдади?» деб ажабланишинингиз табиий. Гап шундаки, ёш санъат ихлосманди лотерея ўйинида иштирок этиш орқали нобё картинани ютиб олди.

Ушбу фаройиб лотерея ўйини «Sotheby's» аукцион ўйи томонидан ўтказилган бўлиб, унда иштирок этиш учун интернет тармоғи орқали электрон чипта рақамини харид қилиш зарур эди. Буни қарангки, минглаб иштирокчилар орасида омад айнан Жеффри Гонаного қулиб боқди.

Маълумотларга қараганда, Пикассонинг ушбу картинаси 1914 йилда яратилган бўлиб, «Цилиндр ичидаги эркак» деб номиланади. Унинг баҳоси бир миллион доллар атрофида. Эътиборли жиҳати, лотерея ўйини давомида беш миллионга яқин даромад олинди. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, кўлга киритилган барча фойда хайрия мақсадида сарфланади.

Президент ва актёр

АҚШ президенти Барак Обама келажакда кино актёри сифатида ҳам фаолиятини давом эттириши мумкин. «The Hollywood Reporter» нашрининг хабар беришича, ишбилармонлар билан ўтказилган учрашувларнинг бирида «Netflix» мультимедия компанияси раҳбари Рид Хэстингс Б.Обамага «Қартадан тикланган уй» сериалида роллардан бирини тақдир этди.

Б.Обама қутилмаган тақлифни рад этган бўлса-да, «Қартадан тикланган уй» сериалининг ашаддий мухлисларидан бири эканини яширгани йўқ. У ҳатто Рид Хэстингсдан машҳур сериалнинг янги қисмларини тақдим этишини илтимос қилган. Таъкидлаш лозимки, «Қартадан тикланган уй» сериали дунё мамлакатларида ҳам катта шухрат қозонган. Ушбу сериал «Олтин глобус»нинг энг яхши драматик сериал йўналишида ғолиб бўлишга асосий номзодлар қаторидан жой олгани ҳам бунинг тасдиқлайди.

Бордию, Б.Обама кино санъатида ўз маҳоратини синаб кўришга қарор қилса, Рональд Рейгандан сўнг актёрлик билан шуғулланган иккинчи АҚШ президенти сифатида тарихга қиради.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси доценти Кундуз Нишонбоевага валида муҳтарамаси

ҚУМРИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихжор этади.